

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“УМУМКАСБИЙ ВА ИХТИСОСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ИЛҒОР  
ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР”**

**модули бўйича**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й   М А Ж М У А**

**Тошкент - 2016**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“УМУМКАСБИЙ ВА ИХТИСОСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ИЛГОР  
ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР”**

**модули бўйича**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент - 2016**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:** ТИМИ доценти., п.ф.н., М.Х.Байбаева.

**Такризчи:** Madhawa Delrachitra., Фарғона ва Зарафшон водийси сув ресурсларини бошқариш лойиҳаси маслаҳат гуруҳи раҳбари.

**Ўқув - услубий мажмуа Тошкент ирригация ва мелиорация институти кенгашининг 2016 йил \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

## МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР.....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	9
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	15
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	
<b>Ошибка! Закладка не определена.</b>	
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	
<b>Ошибка! Закладка не определена.</b>	
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	
<b>Ошибка! Закладка не определена.</b>	
VII. ГЛОССАРИЙ.....	
<b>Ошибка! Закладка не определена.</b>	
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	
<b>Ошибка! Закладка не определена.</b>	

# І. ИШЧИ ДАСТУР

## Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, олий таълим муассасалари педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур мазмунда ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратни ошириш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм – фанни ривожлантиришнинг устивор йўналишлари, илмий – тадқиқотлар ўтказишнинг самарали методларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган. Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор – ўқитувчиларнинг мунтазам касбий ўсишда интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион таълим технологиялари, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малака ва кўникмаларни ривожлантириш назарда тутилади.

Дастур доирасида берилган мавзулар тингловчилар педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, талаба шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндошувга эришувлари ва таълим жараёнларида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва интерфаол усулларини амалда қўллаш олишлари, ахборот технологияларидан таълим – тарбия жараёнида самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

## Модулнинг мақсади ва вазифалари

Умумкасбий ва ихтисослик фанларни ўқитишда илғор хорижий тажрибалар **модулнинг мақсад ва вазифалари:**

Мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини умумкасбий ва ихтисослик фанларни ўқитишда илғор хориж тажрибалари ва таълим технологияларига доир билимларини такомиллаштириш, инновацион технологияларни ўзлаштириш, жорий этиш, таълим амалиётида қўллаш ва яратиш кўникма ва малакаларини таркиб топтиришдир.

Вазифалари: умумкасбий ва ихтисослик фанларни соҳа йўналишлари бўйича ўқитишда инновацион таълим технологияларининг ўзига хосликлари ва қўлланилиш соҳаларини аниқлаштириш, тингловчиларда инновацион характерга эга педагогик фаолиятни ташкил этиш, уларда педагогик жараёни самарали ташкил этишда турли таълим технологияларидан ўринли, мақсадли фойдаланиш кўникма, малакаларини ривожлантириш, тингловчиларда ўқув-тарбия жараёнларини лойиҳалаш, моделлаштириш ва технологиялаштиришга доир касбий компетентлик сифатларини янада ривожлантиришдир.

## Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Умумкасбий ва ихтисослик фанларни ўқитишда хориж тажрибалар модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида

**Тингловчи:**

-умумкасбий ва ихтисослик фанларни соҳа йўналишлари бўйича ўқитиш қонуниятлари ва тамойиллари;

- умумкасбий ва ихтисослик фанларни ўқитишда соҳа йўналишлари бўйича метод ва воситаларни қўлланилиши;

-умумкасбий ва ихтисослик фанларни соҳа йўналишлари бўйича ўқитишда ахборот ва педагогик технологияларни ташкил этиш;

-мутахассислик фан ўқитувчисининг ўқув меъёрий ҳужжатлари ва методик ишлари, уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш методикаси ҳақида **билимларга** эга бўлиши.

**Тингловчи:**

-умумкасбий ва ихтисослик фанларни соҳа йўналишлари бўйича ўқитиш жараёнида профессор-ўқитувчининг вазифалари ва ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш, аниқлаштирилган ўқув мақсадларини шакллантириш;

-интерфаол таълим технологияларига асосланган ўқув машғулотларини лойиҳалаш ва режалаштириш;

-умумкасбий ва ихтисослик фанларни соҳа йўналишлари бўйича ўқитиш шакллари (маъруза, семинар, амалий, лаборатория, мустақил таълим, курс ишлари, битирув малакавий ишлари, ўқув амалиёти, малакавий ишлаб чиқариш амалиёти) ни ташкил этиш бошқариш;

-таълим олувчиларнинг биргаликдаги ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш;

-интерфаол таълим технологияларини олий таълим амалиётига самарали татбиқ этиш кўникмаларини эгаллаши;

-умумкасбий ва ихтисослик фанларни соҳа йўналишлари бўйича ўқитишнинг мультимедиа ва интерфаол таълим технологияларини билиши ва улардан фойдалана олиши;

-умумкасбий ва ихтисослик фанларнинг соҳа йўналишлари бўйича дидактик таъминотини ишлаб чиқиш, машғулот ишланмаларини тайёрлаш;

-инновацион тафаккур юритиш орқали таълим жараёнида ижодий муҳитни яратиш;

- инновацион таълим технологияларининг оқилона танлаб олиш;

-инновацион таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва оммалаштиришда **кўникмаларини ва малакаларини** эгаллаши.

**Тингловчи:**

-таълим жараёнини инновацион таълим технологиялари билан бойитиш;

-инновацион таълим технологияларидан самарали фойдаланиш;

-педагогик инновацион фаолиятни самарали амалга ошириш;

-таълим жараёнининг инновацион характер касб этишини таъминлаш;

-инновацион таълим технологияларига асосланган ўқув - билиш фаолиятини ташкил этиш ва ижодий фаолиятга йўналтириш **компетенцияларни** эгаллаши лозим.

**Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

Умумкасбий ва ихтисослик фанларни ўқитишда илғор хорижий тажрибалар модулини ўқитиш жараёнида:

маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон - дидактик технологиялардан;

ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс - сўровлар, тест сўровлари, аклий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Умумкасбий ва ихтисослик фанларни ўқитишда илғор хорижий тажрибалар модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик

компетентлик”, “Умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда ахборот-коммуникация технологиялари” ўқув модули билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

### Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар умумкасбий ва ихтисослик фанларни ўқитишда илғор хорижий тажрибалар, инновацион таълим технологияларини ўзлаштириш, жорий этиш ва амалиётда қўллашга доир проектив, креатив ва технологик касбий компетентликка эга бўладилар.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат				Мустақил таълим
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси			
			жами	назарий	амалий машғулот	
1.	Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: модулли-кредит тизими.	2	2	2		
2.	Умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда ўқув-меъерий хужжатлар ва методик ишлар, уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш методикаси.	2	2	2		
3.	Соҳа йўналишлари бўйича умумкасбий ва ихтисослик фанларидан лаборатория, амалий машғулот ва ўқув амалиётларни ташкил этиш методикаси.	4	4		4	
4.	Умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда соҳа йўналишлари бўйича лойиҳавий таълим технологиясини қўллаш.	2	2		2	
5.	Кейс-стади технологиясидан умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда фойдаланиш.	4	2		2	2
Жами:		<b>14</b>	<b>12</b>	<b>4</b>	<b>8</b>	<b>2</b>

### НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

#### 1-мавзу: Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: модулли - кредит тизими.

Хорижий мамлакатлар таълим тизими. Замонавий ёндашувлар. Модулли таълим моҳияти. Модулли таълим тамойиллари. Модул блоклари. Модулли-кредит тизими моҳияти. модул блоklar, модулли-кредит, ECTS кредитлари, ECTS ўқув режалари, Болонья декларацияси, талабанинг меҳнат сарфи, кредитлар миқдори, transferancy, aqreement, Credits-hots, Credits-Post, transcript, syllabus.

Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: blended learning (аралаш ўқитиш), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар,

эвристик методлар ва бошқалар. Замонавий таълимда тьюторлик, супервизорлик ва модераторлик фаолияти.

## **2-мавзу: Умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда ўқув-меъёрий хужжатлар ва методик ишлар, уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш методикаси.**

Умумкасбий ва ихтисослик фанлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш жараёни яхлит тизим сифатида. Умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда дидактик тамойиллар. Таълим тамойиллари ва уларнинг мазмун моҳияти. Фаоллик, ўқитишнинг тушунарли бўлиш, назария ва амалиётнинг ўзаро боғлиқлик, тизимлилик ва изчиллик, илмийлик, ўқитишнинг тарбияловчи характери тамойиллари. Махсус фан ўқитувчисининг ўқув-меъёрий хужжатлари ва методик ишлари, уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш методикаси. Умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш мазмуни. Умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш мазмунини белгилаб берувчи меъёрий хужжатлар. Умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича ўқув режалаштириш хужжатлари: ДТС ўқув режа, дастурнинг бажарилиш режасидан фойдаланиш ва унинг методик таҳлили.

### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

#### **1-амалий машғулот:**

#### **Соҳа йўналишлари бўйича умумкасбий ва ихтисослик фанларидан лаборатория, амалий машғулот ва ўқув амалиётларни ташкил этиш методикаси.**

Лаборатория ва амалий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш методикаси. Лаборатория ва амалий машғулотларга қўйиладиган талаблар. Лаборатория машғулотлари режаси. Амалий машғулотлар режаси. Лаборатория машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси. Амалий машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси. Махсус фанлардан амалий машғулотлар ўтиш жараёнида талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш мезонлари. Умумкасбий ва ихтисослик фанларидан ўқув амалиётини ташкил этиш ва ўтказиш. Амалий касбий таълим жараёни мазмуни; ўқув амалиёти; ўқув амалиётлари ва уларни ўтказиш усуллари; махсус фанлардан ўқув амалиётларини ташкил этиш. “Интерфаол”, “интерфаол таълим” ва “интерфаоллик” тушунчаларининг моҳияти. Интерфаол таълим технологияларининг самарали қўлланилишини таъминловчи асосий ва иккиламчи омиллар. Интерфаол таълим технологиялари ёрдамида ташкил этиладиган таълимий ҳаракат шакллари.

Интерфаол таълим технологияларининг дидактик аҳамияти, асосий белгилари, тамойиллари ва шакллари. нтерфаол методлар. Интерфаол методларни таълим жараёнида қўллаш моҳияти ва тартиби. Муаммоли таълим моҳияти. Муаммоли таълим турлари. Муаммо ва муаммоли вазият. Педагогик муаммо. Муаммони қўйиш сатҳлари. Муаммоли вазият методи. Муаммоли маъруза. Муаммоли таълим технологиялари ва уларнинг асосий турлари. Муаммоли таълим методлари.

#### **2-амалий машғулот:**

#### **Умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда соҳа йўналишлари бўйича лойиҳавий таълим технологиясини қўллаш.**

Лойиҳа таълим технологияларининг дидактик моҳияти. Лойиҳа – аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини кафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишга қаратилган ҳаракат маҳсули. Лойиҳа дастур, модел, технологик харита кўринишда намоён этиш. Лойиҳанинг асосини илмий ёки ижодий характерга эга ғоя ташкил этиш.

Лойиҳалаш – бошланғич маълумотларга асосланиб, кутиладиган натижани тахмин қилиш, башоратлаш, режалаштириш орқали фаолият ёки жараён мазмунини ишлаб чиқишга қаратилган ҳаракатни амалга ошириш.



Лойиҳалаш “Ҳоя – мақсад – кутиладиган натижа – тахмин қилиш – башоратлаш – режалаштириш” тизимига асосланишни шакллантириш. Ўқув жараёнларини лойиҳалаштиришда таълим мазмунини, таълим мақсади, кутилаётган натижани тўғри белгилаш. Таълим методлари, шакллари ва воситаларини тўғри танлаш. Билим, кўникма ва малакаларини баҳолашни аниқ мезонлари олдиндан ишлаб чиқиш. Машғулотга ажратилган вақт ичида уларни тўғри амалга ошириш.

### **3-амалий машғулот:**

#### **Кейс-стади технологиясидан умумқасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда фойдаланиш.**

Кейс-стадини таълим жараёнига кенг татбиқ қилишнинг ижтимоий-педагогик шарт-шароитлари. Кейс-стади: масала тарихи. Кейс-стадини таълим жараёнига кенг татбиқ қилишнинг долзарблигини белгиловчи омиллар. Кейс-стадининг умумий тавсифномаси. Асосий категориялар ва тушунчалар. Кейс-стадининг моҳиятли белгилари ва дидактик ўзига хос хусусиятлари. Кейс-стадининг таълимдаги функциялари. Кейслар типологияси. Кейсларни ишлаб чиқишнинг процессуал тизими. Таълимнинг кейс-технологиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Таълимнинг кейс-технологиясини лойиҳалаштириш ва режалаштириш.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:  
 маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);  
 -кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда тингловчиларни муаммоли вазиятлар ҳамда кейс вазиятларини ечишда мустақил фикр ва ҳояларини шакллантириш;  
 -семинар тренинглар (берилган вазиятлар юзасидан семинар тренинглар ташкил этилиб, вазиятларни ечиш муҳокамаси ўтказилади).  
 -баҳс ва мунозаралар (муаммоли вазиятлар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

### **БАХОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

<b>№</b>	<b>Баҳолаш турлари</b>	<b>Максимал балл</b>	<b>Баллар</b>
1	Кейс топшириқлари	2,5	1,5 балл
2	Мустақил иш топшириқлари		1 балл

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “ТУШУНЧАЛАР ТАҲЛИЛИ” методи.

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

-тингловчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;  
 -тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);

-тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;

-белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулик изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;

ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

№	Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Кўшимча маълумот
1.	ФАСИЛИТАТОР	(инглиз тилида <i>facilitator</i> , латинча <i>facilis</i> –енгил, қулай)- гуруҳлардаги фаолият натижасини самарали баҳолаш, муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтириш, гуруҳдаги коммуникацияни ривожлантириш каби вазифаларни бажаради.	
2.	ТЪЮТОР	( <i>Tutoretm-лотинча</i> ) устоз, мураббий вазифасини бажаради.	
3.	ЭДВАЙЗЕР	( <i>advisor</i> )-французча “ <i>avisen</i> ”“ўйламоқ”) талабаларнинг индивидуал ҳолда битирув малакавий иши, курс лойихаларини бажаришда маслаҳатчи ролини бажаради.	
4.	МОДЕРАТОР	Қабул қилинган қоидаларга амал қилиш текширади, талабаларнинг мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятларни ривожлантириш, билиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради.	

### “АҚЛИЙ ХУЖУМ” методи.

Ақлий хужум (брейнсторминг – миялар бўрони) – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Методнинг мақсади: ақлий хужум вақтида тингловчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қилади) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

Ақлий хужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.

Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

Оммавий ақлий ҳужум – микро гуруҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

### “ХУЛОСАЛАШ” (Резюме, веер) методи.

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммони характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган таркатма материалларда бербтаркатади;



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича таркатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу яқунланади.

Намуна:

Муаммони технологиялар		Модулли таълим технологиялар		Ўйинли таълим технологиялар	
Афзаллиги	Камчилиги	Афзаллиги	Камчилиги	Афзаллиги	Камчилиги
Хулоса:					

### “АССЕСМЕНТ” методи.


Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали тингловчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий

кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 баллгача баҳоланиши мумкин.



### Тест

Модулли дастур нима

А.Бир фан доирасидаги модуль

Б.Ўқув жараёнининг лойиҳаси


С.Ўқув элементларининг йиғиндиси

- Д.Модулнинг бир қисми



### Қиёсий таҳлил

Ўқитувчи талабага топшириқ берди. Талабада эса уни бажаришга хоҳиш йўқ, шунинг учун: “Буни бажаришни истамайман”, -деб очик айтди. Бу вазиятда Сиз қандай йўл тутасиз?



### Тушунча таҳлили

Норвегия таълим тизимини

бизнинг таълим тизимига

ўхшашлик жойи борми



### Амалий кўникма

Дарс жараёнини гизда қайси графоганайзерлардан фойдаланасиз

### “ИНСЕРТ” методи.

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

-ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

-янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн тингловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намоиш этилади;

-таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчига қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:


Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“- ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, тингловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

Изоҳ: Иккинчи устунчага тингловчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

#### “ФСМУ” методи.

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда мавзу юзасидан фикрларини баён этиши, фикрларнинг баёнига оид сабабларини кўрсатиши, фикрларини мисоллар билан баён этиши, хулосалаш ва умумлаштириши учун йўналтирилган



#### “БЛИЦ-ЎЙИН” методи.

Методнинг мақсади: тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб тингловчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, тингловчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер - ўқитувчи тингловчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир - бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтама келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма - кетлиги тренер - ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер - ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

“Маъруза машғулотларини ташкил этишнинг асосий шакллари” кетма - кетлигини жойлаштиринг. Ўзингизни текшириб кўринг!

Харакатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси
йўналтирувчилик – тингловчиларни ўқув материалнинг асосий ҳолатларига, уни келгуси иш фаолиятидаги ўрни ва аҳамиятига диққат қилишларига имкон беради;					
ахборотлилиқ – ўқитувчи маъруза вақтида ҳолат, асосий илмий далиллар ва хулосалар моҳиятини очиқ беради;					
методологик – маъруза вақтида ўқитиш усуллари таққосланади, илмий изланишнинг асослари намоён этилади;					
тарбияловчи – ўқув материалга ҳиссий-баҳолаш муносабатида бўлишни уйғотиш;					
ривожлантирувчи – билим олишга бўлган қизиқишларни, яъни мантикий фикрлаш ва исботлаш қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беради					
Жами					

#### “КЕЙС-СТАДИ” методи.

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанака (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	якка тартибдаги аудио-визуал иш; кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ахборотни умумлаштириш; ахборот таҳлили; муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	индивидуал ва гуруҳда ишлаш; муаммоларни долзарблиқ иерархиясини аниқлаш; асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб	индивидуал ва гуруҳда ишлаш; муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;

чиқиш	муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	якка ва гуруҳда ишлаш; муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; яқуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс. “Мен сезяпманки - Сиз ўтаётган дарсларнинг менга фойдаси тегмаяпти. Шунинг учун дарсларингизга умуман келгим келмаяпти –деди талаба ўқитувчига. Сизнинг жавобингиз қандай бўлади.

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

-кейсдаги муоммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (кичик гуруҳларда);

-муоммоли вазиятни ечиш усулларини кетма-кетлигини белгилаб олинг.

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1-мавзу: Замоनावий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: Модулли-кредит тизими.

##### Режа:

- 1.1. Хорижий мамлакатлар таълим тизими.
- 1.2. Модулли таълимнинг аҳамияти ва моҳияти.
- 1.3. Модулли -кредит тизимнинг аҳамияти ва моҳияти.
- 1.4. Замоनावий таълим шакллари: blended learning (аралаш ўқитиш), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методлар.
- 1.5. Замоनावий таълимда тьюторлик, супервизорлик ва модераторлик фаолияти.

**Таянч иборалар:** *замоनावий таълим, илғор тажрибалар, модуль, модулли ўқув ахборотлар, модуль блоклар, модулли-кредит, ECTS кредитлари ECTS ўқув режалари, Болонья декларацияси, талабанинг меҳнат сарфи, кредитлар миқдори, transferancy, aqreement, Credits-hots, Credits-Post, transcript, syllabus, ахборот пакети, ўқиш коэффициентлари, blended learning (аралаш ўқитиш), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик метод, модератор, тьютор, эдвайзер, фасилитатор.*

#### 1.1.Хорижий мамлакатлар таълим тизими.

##### 1.1.1.Япония таълим тизими.

Япония таълимнинг шаклланиши 1867-1868 йилларда бошланган. Япония ўз олдида икки вазифани: биринчи - бойиш, иккинчи - Ғарб технологиясини Япония ишлаб чиқаришига киритиш масаласини қўяди ва бу ишни амалга ошириш учун биринчи галда таълим тизимини тубдан ўзгартириш кераклиги айтилди.

1872 йили «Таълим ҳақидаги қонун» қабул қилинди. Бунда Япон таълими Ғарб таълими билан уйғунлаштирилди. 1908 йилда Японияда бошланғич таълим мажбурий 6 йилликка айлантилди. 1893 йили касб йўналишидаги дастлабки коллеж пайдо бўлди.

1946 йили қабул қилинган Конституция фуқароларнинг таълим соҳасидаги ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб берди. Унда барча болалар бепул умумий таълим олишлари белгилаб қўйилган.

Японияда ҳозирги замон таълим тизимларини таркиби қуйидагича: болалар боғчалари, бошланғич мактаб, кичик ўрта мактаб, юқори ўрта мактаб, олий таълим тизимларига кирувчи ўқув юртларидан иборат.

Болалар боғчалари. Таълимнинг бу босқичига 3 - 5 ёшли болалар қабул қилинади. Болалар ёш хусусиятларига мувофиқ равишда 3, 2, 1 йиллик таълим курсларига жалб қилинадилар.

Мажбурий таълим. Таълимнинг бу поғонасига 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар жалб қилиниб улар шу муддат ичида 6 йиллик бошланғич мактаб ва 3 йиллик кичик ўрта мактаб курсини ўтайдилар. 9 йиллик бу таълим мажбурий бўлиб барча болалар бепул ўқитиладилар ва текин дарсликлардан фойдаланадилар.

Юқори босқич ўрта мактаби. Бу мактаблар таълим йўналишининг 10,11,12-синфларини ўз ичига олади. Японияда бундай босқич мактабларининг кундузги кечки ва сиртки бўлимлари мавжуд. Кундузги юқори босқичли мактабларида ўқиш муддати 3 йил. Ўқувчиларнинг 95 фоизи кундузги мактабларда таълим оладилар. Бу тарздаги мактабларда ўқиш ихтиёрийдир. Унда қуйи ўрта мактабларни битирган юқори босқич ўрта мактабларига кириш синовларидан муваффақиятли ўтган 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўқувчи ёшлар қабул қилинадилар. Унда умумий таълим (академик) фанлари техник билимлар тижорат маҳаллий саноат қишлоқ



хўжалиги чорвачилик, балиқчилик, кемасозлик ва бошқа мактабларда умумий ва хусусий тармоқларни қўшиб ҳисоблаганда 95 фоиз ёш билим олади.

Дорилфунунлар, кичик коллежлар, техник коллежлар, махсус ихтисослаштирилган коллежлар Японияда олий таълим тизимини ташкил этади.

Японияда бошланғич ўрта ва олий ўқув юртларидан ташқари бир - биридан фарқ қилувчи «Ихтисос мактаблари» ва «турли» мактаблар ҳам мавжуд. Уларнинг кўпчилиги хусусий бўлиб турли фирма, концерн ва синдикатлар учун қисқа вақтли курсларда тикувчи, ошпаз, ҳисобчи, машинкада ёзувчи, автотехник, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастур тузувчилар ва бошқа зарурий касблар ўргатилади. Японияда ҳам турли хорижий тилларни ўргатишга ихтисослаштирилган мактаблар мавжуд.

Бошқа мактаблардан фарқли ўларок Япония мактабларида ўқиш 1 апрелдан бошланиб келаси йилнинг 31 мартда ниҳоясига етади.

Бошланғич ва кичик ўрта мактабларда ўқув йили уч семестрга бўлинади: апрель – июль, сентябрь – декабрь, январь - март. Катта ўрта мактабларда эса ўқув йили 2 ёки 3 семестрга бўлинади.

Ўқув йили Японияда 240 кун ёки Америка Қўшма Штатларидан 60 кун кўпдир. Дарслар 7 соат. Кўпчилик мактабларда дарслар эрталаб соат саккиз яримда бошланиб учдан кейин тугайди.

Ўқувчилар ҳафтасига 2-3 соат синфдан ташқари клуб ишларида, 7 соат ихтисос бўйича машғулотларда ёки репетиторлар ихтиёрида бўладилар.

Юқори босқич ўрта мактабларида бутун ўқув жараёнида ўқувчилар 80 та синов топширишади. Ўқувчилар мажбурий асосий фанлардан ташқари ўз хохишларига кўра инглиз тили техник таълим ва махсус синовларга жалб этиладилар.



Япония таълимнинг асосий мақсади ва мазмуни аҳолини замонавий техник ҳамда технологик жараёнлар билан жиҳозланган ҳозирги замон саноатида самарали ишлашга мослаштиришдир. Мамлакатда мактабга муҳим ижтимоий вазифани бажарувчи жамиятнинг олға силжишини таъминловчи даргоҳ деб қаралади ва халқ томонидан эъзозланади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики Японияда таълим тизими ҳам шаклан ҳам мазмунан юксак уйғунлик касб этган. Ибрат олса ўрганса арзийдиган жиҳатлари кўп. Эътиборли яна бир томони - Японияда фақат миллий анъаналар билан чекланиб қолмай

жаҳондаги Америка, Франция Германия каби тараққий этган мамлакатларнинг илғор педагогик иш тажрибалари ҳам ижодий ўзлаштирилган.<sup>1</sup>

### 1.1.2. АҚШ таълим тизими.

Америка Қўшма штатларида таълим тизимининг тузилиши қуйидагича:

- болалар 3 ёшдан 5 ёшгача тарбияланадиган мактабгача тарбия муассасалари;
- 1-8 - синфларгача бўлган бошланғич мактаблар (бундай мактабларда 6 ёшдан 13 ёшгача ўқийдилар);
- 9–12 - синфлардан иборат ўрта мактаблар (бу мактабларда 14-17 ёшгача бўлган болалар таълим оладилар). У қуйи ва юқори босқичдан иборат.

Америка Қўшма Штатларида навбатдаги таълим босқичи олий таълим бўлиб у 2 ёки 4 йил ўқитиладиган коллежлар ҳамда дорилфунунлар ва бошқа олий ўқув юртлари таркибида ташкил этилган аспирантура ёки докторантуралардир.

АҚШда мажбурий таълим 16 ёшгача амал қилади. Бу мамлакатдаги ўқув юртлари давлат, жамоа, хусусийлар тасарруфида ва диний муассасалар ихтиёрида бўлиши мумкин.

Америкада 3 ёшгача болалар тарбияси билан оналар шуғулланадилар, лекин уларга ҳеч қандай имтиёзлар берилмаган. Уч ёшдан 5 ёшгача хусусий ёки давлат боғчаларидан фойдаланиш мумкин, лекин болалар боғчалари кичик ва бу тизим кам ривожланган. Энага ёллаш бир ҳафтада 200 долларга тушади. Болаларда ягона бир дастур мавжуд эмас. Керак бўлувчи ҳамма жиҳозлар ва кунлик овқатни ота-оналарнинг ўзи олиб келади. 5 ёшдан эса «Киндер гарде» деб аталувчи тайёрлов муассасаларида таълим бошланади. Бошланғич мактаб 6 ёшдан то 13- 15 ёшгача бўлган болаларни қамраб олади. Бу бошланғич мактабларда умумий саводхонлик ва касбга йўналтириш вазифалари ҳал этилади. Синфдан-синфга кўчиш ўқувчининг ўзлаштирилганлик даражасига боғлиқ. Бошланғич таълим турли штатларда турлича белгиланган (4, 5, 6, 8 йил). Мактабларда турли хил тўғарақлар, учрашувлар, шоулар ва саёҳатлар уюштирилади, аммо уларнинг ҳаммасига ҳақ тўлаш лозим. Ўрта мактаблар қуйи ва юқори босқичлардан иборат. 9 - синфни битирган талабалар танлов асосида ўрта мактабга қабул қилинади. Ўрта мактабларда тўрт йўналишда касб-хунар асослари бериб борилади.

1 - касб-хунар таълими, 2 - бизнес таълими, 3 - савдо ва саноат таълими ҳамда 4-қурилиш таълими. Олий таълим 4 асосий босқичда амалга оширилади.

1 - кичик мутахассис - 2 йиллик коллежларда амалга оширилади. 2-бакалавр 4 йиллик коллежларда, 4 йиллик коллеж ёки дорифунунни тугатган 3-босқични давом эттириши мумкин. Бу 1-2 йиллик магистр мактаби. 4 –босқич эса аспирантура, докторантура. Мактабларда таълим телевидиниеси, электрон тил лабораторияси, видеоаппаратура компьютер ва ҳоказоларни қўллаш йўлга қўйилган. Мактаблар таътил вақтида ҳам ишлаб туради. Тўғарақларда қайта тайёрлаш ишлари олиб борилади. Олий таълимда икки йўналиш мавжуд:

1 -таълимни индивидуаллаштириш;

2 -талабанинг мустақил ишлашини амалга ошириш.

Ўқитувчи йўналтирувчи роль ўйнайди. Асосий мақсад талаба интеллектини машқ қилдириш мантиқий фикрлашга ўргатишдир.<sup>2</sup>

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки АҚШ ўрта мактабларида ўз ўқувчиларига уч йўналишда: академик касб-хунар, умумий йўналишларда билим берадилар. Айти пайтда ўқувчиларга тўрт йўналишда: қишлоқ хўжалиги бизнес таълими савдо ва саноат қурилиш бўйича хунар, касб-кор асослари ўргатилади.

АҚШда ҳар бир ўқувчига фанлар бўйича олган билимлари жамланган аттестатлар берилади. Коллежларда ўқиш истагида хужжат топширган ўқитувчилар юқори ўрта мактабнинг


---

<sup>1</sup> Methods of Teaching. Course Gulde. Associate Degree in Education B.Ed.(Hons) Elementary. 2012.

<sup>2</sup> Technologies for education. Wadi D. Haddad, A.Draxler.

сўнгги икки йили билимлари ҳажмида кириш тест синовларидан ўтказилади. Ўғил- қизларнинг танлаган касбига лаёқати ва қобилияти ҳам аниқланади.

Мақтабларда қўлланилиши мумкин бўлган воситалар электрон ёзув аппаратлари (каллиграфия ва ёзув қодаларини такомиллаштиришга ёрдам берадиган мосламалар) таълим телевидениеси, қўлда кўтариб юрадиган электрон тил лабораторияси, слайдлар, видеоаппаратуралар, компьютер ва ҳоказолардан иборат.



XXI аср арафасида АҚШ янги қабул қилинган «2000-йилда Америка таълим стратегияси» дастури эълон қилинди.

Турли йўналишдаги асосий мақсадлар белгиланган мазкур дастурда 2000-йилда барча америкалик кичкинтойларнинг мактабга тайёр ҳолда келишлари: аҳолининг 90 фоизи олий маълумотли бўлиши ўқувчиларнинг инглиз тили, математика, табиий фанлар, тарих, география фанлари бўйича жаҳонга ўз иқтидорларини намойиш эта олишлари; талабаларнинг табиий ва математика фани ютуқларини ўзлаштиришда жаҳонда энг олдинги ўринларга чиқишлари; ҳар бир вояга етмаган америкаликнинг иқтисодиёт соҳасида жаҳоннинг барча ёшлари билан беллаша оладиган бўлишлари; мактабларда гиёҳвандлик ва зўравонликка барҳам бериш ўқиш учун барча шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилган. Бу АҚШ таълим истикболларини белгилаб берувчи муҳим дастурдир.

Олий ўқув юртларида илмий изланишлар олиб бориш бўйича АҚШ жаҳон мамлакатлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бу мамлакатда илмий изланишлар учун ажратилган маблағнинг 48 фоизини давлат томонидан 50 фоизини фирма концерн синдикатлардан ундирилади, қолганларини олий ўқув юртларининг манбалари ташкил қилинди.

### 1.1.3. Франция таълим тизими.

Франция жаҳондаги иқтисодий ривожланган мамлакатлар ичида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Унинг таълим тизимлари ҳам қадимий ва бой тарихга эга. Бу мамлакатда «Таълим ҳақидаги» қонун дастлаб 1955 йилда қабул қилиниб 1975 йилда унга қатор ўзгартиришлар киритилган.

Франция давлатининг ҳозирги даврда амал қилинаётган «Таълим ҳақидаги қонун»и 1989 йил 10 июлда қабул қилинган бўлиб, унинг ўзгартирилишига таълим стратегиясида рўй берган

Ўзгаришлар мамлакатнинг ички ташқи сиёсатида ислохотлар юзага келган Иқтисодий шароитлар чет эл педагогикасидаги илғор технологияларнинг мамлакат таълим тизимларига кириб келиши ўқув предметларининг интеграциялари ва бошқалар сабаб бўлди.

Францияда таълимнинг асосий мақсади шахсни ҳар томонлама камол топишини таъминлаш, уни мустақил фаолиятга тайёрлаш, бозор муносабатлари шароитида ўқувчиларни тадбиркорликка ишбилармонлик ва омилкорликка ўргатиш шунга яраша касб-корга эга қилишдан иборатдир. Бу ерда:

1. Давлат мактаблари;
2. Хусусий мактаблар;
3. Оралиқ мактаблар мавжуд.

Ўқитиладиган предметлар ичида француз тили ва адабиёти ўқиш ва ёзув алоҳида аҳамиятга молик бўлиб ҳисобланади. Улар учун дарс вақтининг 30% ажратилади. Ўртача ҳафталик соатлар 26 соатдан иборат дарснинг давомийлига эса 60 минут. Ўқув йили 5 чоракка бўлинади. Француз мактаблари бошланғич синфларда ўқиш эрталабки ва тушдан кейин эса математика ва бошқа предметлардан сабоқ оладилар.

Математика она тили ва адабиёти база предмети тарих, география, меҳнат, жисмоний тарбия предметлари эса ривожлантирувчи предметлар ҳисобланади.

Франция таълимида болаларнинг гўдаклик чоғиданоқ мактабда ўқитиш учун тайёр ҳолда олиб келиш ғоят муҳим масала ҳисобланади. Бу босқичда тарбияланувчилар қуйидагича табақалаштирилган: кичик гуруҳ (2-4 ёш), ўрта гуруҳ (4-5 ёш), катта гуруҳ (5-6 ёш). Мактабга тайёрлов гуруҳи (5-6 ёш) бўлиб, уларга Францияда 100% шу ёшдаги болалар қамраб олинган. Болаларни мактабга тайёрлаш учун алоҳида дастур ва дарсликлар мавжуд.

Франция бошланғич таълим мактабларига 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар жалб қилинадилар. Бошланғич мактаб бепул ва мажбурий. Унинг вазифаси ўқиш, ёзиш ҳисоблаш малакасини беришдир. Ўқув машғулотлари эрталаб соат 9 дан 12 гача ҳамда соат 14 дан 16 гача 5 соат давом этади. Мактабда овқатланиш пуллик лекин жуда арзонлаштирилган нархларда. Бошланғич синфларда ўқиш уч босқичда амалга оширилади:<sup>3</sup>

1. Тайёрлов босқичи;
2. Элементар курс (бу босқич икки йил давом этади);
3. Чуқурлаштирилган босқич.

Тайёрлов босқичи - 1 йилга мўлжалланган. Бунда болалар ҳисоблашга ўқиш ва ёзишга, куйлашга, ўйлашга, табиат манзараларини томоша қилишга ва ундан баҳра олишга жисмоний машқлар билан машғул бўлишга мактабнинг турли спорт тадбирларида иштирок этишга мусика ва меҳнатга ўргатилади.

Навбатдаги босқич - элементар курс бўлиб бу босқичда ўқиш 2 йил давом этади. Бунда ўқувчиларнинг тайёрлов циклида предметлар бўйича олинган билимларни янада такомиллаштирилади.

Бошланғич мактабнинг 3 - босқичи - чуқурлаштириш босқичидир. Бунда ўқувчиларнинг тайёрлов ва элементар босқичдаги билимлари янада чуқурлаштирилади. Француз мактабларининг бошланғич босқичида «Гражданлик таълими», «Нафосат таълими» ҳам ўқитилади. Нафосат таълимига мусика тасвирий санъат спорт киритилган. Ўқувчилар билан якка тартибда ишлаш уларни рағбатлантириш шахсий қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш таълимда узлуксиз ва ворисликни таъминлаб бериш бошланғич синф ўқувчиларига кўйилган бош талабдир.

Ўқув дастурининг мазмунини бевосита ўқитувчининг ўзи белгилайди. Бир сўз билан айтганда ўқитувчи болалар билимига тўла масъул экан унинг услуб танлашига мустақил ҳаракат қилишига ҳам тўла эркинликлар берилади.

1990 йилдаги ҳукумат қарорига мувофиқ мактабгача тарбия ва бошланғич таълимига модуллаштириш, болаларнинг билимига у ёки бу фанга мойиллигига қараб табақалаштириш,

---

<sup>3</sup> Technologies for education. Wadi D. Haddad, A.Draxler.

дарс жадвалини ҳам шу асосда тузиш ҳуқуқи берилади. Бундай дарс жадваллари йиллик ярим йиллик чораклик асосида тузилиши ҳам мумкин.

Ўқувчилар 11 ёшда бошланғич мактабни тугаллаб ўрта мактабга ўтадилар. Ўрта таълим эса коллежлар ва лицейларда амалга оширилади. Ўрта таълим икки босқичда:

Биринчи босқичда қуйидаги предметлар ўргатилади:

француз тили ва адабиёти, чет тили (инглиз, немис, испан, италян тиллари), тарих, Франция географияси, математика, тиббий фанлар.

Шундай қилиб, 6-5-синфлар умумий ўрта таълим беради: 4-3-синфларда ўқувчиларга қобилияти ва мойиллигига қараб билим берилади. Биринчи босқич яқунлагач, ўқувчилар касбий йўналишлари бўйича гувоҳнома оладилар.

Шундан кейин ўқувчилар 15 ёшдан 18 ёшгача таълим оладилар. Ўқиш 3 йил давом этиб, 2- синф кичик, 1- синф ўрта ва яқунловчи синфларга бўлинади.

Ўқувчилар умумий таълим ва техник лицейларни тугатганларидан сўнг бакалавр унвони ва диплом иши учун имтиҳон топширадилар. Ана шундай дипломга эга бўлганларгина олий ўқув юртларига кириш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Францияда талабалар педагогика, политехника институти, олий маъмурий мактабларга кириш учунгина имтиҳон топширадилар. Бундан ташқари шу касбга мойиллиги ҳам алоҳида синаб кўрилади. Бошқа олийгоҳларга ва университетларга эса бакалавр дипломи бўлган ёшлар имтиҳонсиз қабул қилинаверади.

Францияда олий маълумот ва ихтисос берувчи олий технологик институтлар мингдан ортик. Улар одатда саноат маиший хизмат кўрсатиш информатика мутахассисликларига ихтисослашган. Ўқиш муддати 2 йил бўлиб саккиз ҳафталик ишлаб чиқариш амалиётини ҳам кўзда тутади.

Сиртқи таълим шаҳобчалари жуда кенг бўлиб у 500 турдаги ўрта олий профессионал маълумот беришни тавсия эта олади.

Францияда мактаб раҳбарлиги лавозимига эришмоқ учун таълимга раҳбарлик қилишдан сабоқ берувчи махсус марказларда ўқийдилар. Бундай марказларда улар раҳбарлик қилиш, мактаб иқтисодиётини бошқариш, таълимдаги юридик масалалар қонунчилик ота-оналар билан ишлаш, маданий оқартув ишларини ташкил этиш, жамоада яхши психологик муҳитни барпо этиш каби жиҳатларни ўрганади ўқиш яқунлангач суҳбатдан тест имтиҳонларидан ўтадилар.

#### **1.1.4. Германия таълим тизими.**

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Германиянинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўли бизнинг Республикамиздагига ўхшаб кетади. Икки Герман давлати бирлашгандан кейин собиқ Германия Демократик Республикасида таълимни ислоҳ қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам бизнинг шароитимизга маъқул келади.

Германиянинг ҳозирги давр маорифидаги асосий муаммоси собиқ ГДРдаги таълимни бир хил миллий меъёрга солишдан иборатдир.

Авваламбор шунини таъкидлаш керакки, Германияда таълим давлат ва жамият томонидан ардоқланаётган соҳа бўлиб, у мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар ичида кучли олтиликка кирган.

Германия таълим тизимларининг баёни қуйидагича: Германияда таълим тизими: мактабгача тарбия тизими Германия таълим тизимида ҳам муҳим босқич ҳисобланадн. Унинг 100 йилдан ортик тарихи бор. Болалар боғчалари таълимнинг қуйи босқичи ҳисобланада, лекин у давлат тизими таркибига кирмайди. Боғчаларни маблағ билан таъминлаш турли жамоат ташкилотлари хайрия бирлашмалари корхоналар хусусий шахслар диний муассасалар зиммасидадир.<sup>4</sup>

---

<sup>4</sup> Technologies for education. Wadi D. Haddad, A.Draxler.

Ота-оналар болалар боғчаларига ўз фарзандларини тарбияланганликлари учун анча миқдорда пул тўлайдилар. 3 ёшдан 6 ёшгача болаларнинг 80% боғчаларга қатнайди. Германияда одатда болалар боғчада тушгача тарбияланадилар. Куннинг ярмида эса уйда оилада бўладилар. Германияда куни узайтирилган боғчалар ҳам бор.

Мажбурий таълим 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга тегишли. Бу жараён 12 йил давом этади. Бундан 9 йиллик (баъзи жойларда 10 йил) мактабда тўла ҳафталик ўқишни битиради, кейин ҳунар-техника билим юртида тўла бўлмаган ҳафталик ўқишда ўқийди. Ўқиш давлат мактабларида текин. Мактаб ўқувчиларига ўқув қўлланмаси, асосан дарсликлар бепул берилади. Хусусий мактаблар озрок. Ўқиш 6 ёшдан бошланиб, 4 йил давом этади (фақат Берлинда 6 йил). Бошланғич мактабдан сўнг ўқитувчилар йўналиш босқичидаги мактабга ўтадилар. Бу ерда 5-6 синф босқичидаги йўналиш мактабларда махсус дастур асосида ўқийдилар. Кейин навбатдаги мактаб типига кўчадилар:

Булар: асосий махсус мактаб реал билим юртлари. Деярли 30% бола асосий мактабга ўтади. 9 ёки 10 йиллик ўқиш тугатилгандан кейин касбий тайёргарликка ўтилади. Махсус мактабларда нуқсонга эга бўлган болалар ўқийди. Реал билим юртлар асосий мактаб ва юқори мактаб ўртасида туради. Қоидага кўра бу ерда ўқиш 6 йил давом этади (5-13 синфгача) ва тўла маълумот бериш билан тугалланади. Билим юртини тугатганлар ўрта махсус ўқув юртига ёки юқори босқичдаги ҳунар-техника мактабига кириб ўқиш ҳуқуқига эга бўлади. Германияда гимназиялар ҳам мавжуд. Улар 5-13 синфларни ўз ичига олади. 11-13 синфлар олий ўқув юртларига тайёрлаш вазифасини ҳам бажаради.

Гимназияни битирганлик ҳақидаги етуклик аттестати олий ўқув юртида ўқиш имконини беради. Германия таълими тизимида ҳунар таълими муҳим аҳамиятга эга чунки юқори малакали ишчиларга бўлган талаб кучлидир. Тўлиқсиз ўрта мактабни битирувчиларнинг (9-10 синфлар) 79%) тўлиқ ўрта мактабни битирувчиларнинг эса 20% ҳунар таълими тизимида билим олишни давом эттирадилар. Аксарият ҳолларда ўқиш муддати 3-3,5 йилни ташкил этади. Ўқиш уч босқичдан иборат бўлиб биринчи йили асосий ҳунар таълими берилади. Бунга ўқитилаётган касбга таалукли махсус фанлардан назарий асослаш берилиб йирик корхоналарда амалий машғулотлар ўтказилади. Иккинчи йил давомида махсус ҳунар таълими берилади. Ўқувчининг биринчи йилдан иккинчи йилга ўтиш синов имтиҳонлари ўтказилиб, ўқишни давом эттирувчи ёшлар танлаб олинади. Учинчи йил давомида махсус ҳунар таълими янада чуқурлаштирилиб борилади. Битирув имтиҳонлари махсус комиссия томонидан қабул қилинади. Комиссия аъзолари корхоналарнинг етакчи мутахассислари федерал ерлардаги саноат палатаси ҳунармандчилик палатаси вакилларидан ташкил топади. Ҳунар мактабларининг дипломлари олий ўқув юртларига кириш учун ҳуқуқ бермайди. Бунинг учун 1 йиллик тайёрлов курсларини тугатиш талаб этилади. Ўқишга қабул қилиш имтиҳонсиз мактаб таълими тўғрисидаги ҳужжатта асосан амалга оширилади.

Олий мактаб ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига эга. Олий ўқув юртини штатдаги ректор ёки бир неча йилга сайланган Президент бошқаради. Ўз-ўзини бошқаришда вазифалари аниқ тақсимлаб берилган бир неча гуруҳлар босқичма-босқич иштироки тамойилига амал қилинади. Унинг таркибига профессор-ўқитувчилар, ўқитувчилар, илмий ходимлар ва бошқа ходимлар киради. Талабалар ўқиши эркин ташкил этилган. Кўп сонли ўқув босқичлари билан бирга ўқув режалари таклиф этилади. Ўқишга ҳақ тўланмайди.

Агар талаба ёки уларнинг ота-оналари озиқ-овқат харажатларини кўтара олмаса ўқиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисидага федерал қонунга кўра улар молиявий ёрдам оладилар. Бу ёрдамнинг ярми стипендияга қўшиб берилса иккинчи ярми қарз тариқасида берилади.

Мамлакатда таълимни ислоҳ қилиш масаласи кўпдан буён муҳокама қилинмоқда, бунда ўқув жараёнини қисқартириш таклиф қилинмоқда. Ҳозир университетларда талабалар 7 йил ўқийди. Улар ўқишга кирганларига қадар корхоналарда бир неча йил ишлашлари ёки бундесверда хизмат қилишни ҳисобга олсак талабалар ҳақиқий меҳнат фаолиятларини анча кеч бошлаётганлигини тушунамиз.

### 1.1.5. Корея таълим тизими.

Кореядаги барча талабаларнинг 6,5 фоизи бўлажак педагоглардир. Мамлакатда 11 та ўқитувчилар коллежлари мавжуд. Ҳар бир провинция ўз коллежига эга. Бошланғич синф ўқитувчиси бўлиш учун 2 йил ўқиш керак

1982 – йилда мактабгача тарбия ҳақида қонун қабул қилинди ва 80% га кенгайди.

### 1.1.6. Туркия таълими тизими.

Туркия Республикасида мактабдан ташқари таълими икки манба орқали берилади. Улардан бири мактаб бўлса, иккинчиси устоз-шогирдлик йўналишидир. Уларнинг соҳалар бўйича дастурлари қуйидагилар:

- умумий таълим дастурлари;
- касб-хунар, техник таълим дастурлари;
- шогирдлик ва усталик таълими дастурлари;
- очик таълим дастурлари ва хоказолар.



### 1.1.7. Норвегия таълим тизими.

Дастлабки мактаблар XII аср бошларида очилган. 1848 йили 7 ёшдан 13-14 ёшгача бўлган болалар учун мажбурий таълим жорий этилди, 1968 йилда эса бу 16 ёшгача етказилди. Ҳозирги таълим тизими мактабгача тарбия муассасалари, 6 йиллик кичик ва 3 йилик юқори мажбурий мактаблар, ўрта умумий таълим мактаби - гимназиялар, ҳунар-техника ва ўрта махсус ўқув юртларини ўз ичига олади. Осло, Берген, Тронхейм, Тромсёдаги университетлар ва 10 та институт олий таълим беради.<sup>5</sup>

### 1.1.8. Дания таълим тизими.

Дания таълим тизимининг илк бўғини болалар боғчалари 6 ёшдан болалар учун 9 йиллик мажбурий таълим жорий этилган.

Бошланғич мактабларда ўқиш муддати 7 йил, кичик ўрта (реал) мактабларда 3 йил, юқори ўрта мактаб (гимназия)ларда 3 йил, ҳунар-техника билим юртларида 1–3 йил. 5 та университет, 3 техника университети, 20 га яқин институт ва коллежларда олий маълумот берилди. Йирик олий ўқув юртлари: Копенгаген (1479 йилда асос солинган) ва Орхус (1928 йилда асос солинган) университетлари, Дания муҳандислик академияси, Копенгаген техника университети.<sup>6</sup>



### 1.2. Модулли таълимнинг аҳамияти ва моҳияти.

Модулли ўқитиш - ўқитишнинг истиқболли тизимларидан бири ҳисобланади, чунки у таълим олувчиларнинг билим имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизимига энг яхши мослашгандир.

Анъанавий таълимда ўқув мақсадлари педагог фаолияти орқали ифодаланган яъни билим беришга йўналтирилган бўлса, модулли ўқитишда таълим олувчилар фаолияти орқали ифодаланиб, касбий фаолиятга йўналтирилган бўлади.

Модулли ўқитиш технологиясининг анъанавий ўқитишдан фарқли хусусиятларини қуйидаги жадвалда келтирдик.

Ушбу жадвалнинг таҳлили шуни кўрсатадики, модулли технологияга асосланган таълим анъанавий таълимдан ўқитиш усуллари ва воситалари уни ташкил этиш ва натижалари билан сезиларли фарқ қилади.

<sup>5</sup> Methods of Teaching. Course Guide. Associate Degree in Education B.Ed.(Hons) Elementary. 2012.

<sup>6</sup> Technologies for education. Wadi D. Haddad, A.Draxler.



Модул – фаолиятлик асосида ўқитиш мазмунини оптималлаш ва тизимлаш дастурларни ўзгарувчанлиги, мослашувчанлигини таъминлайди;

Анъанавий ўқитиш технологиясига асосланган	Модулли ўқитиш технологиясига асосланган
Бир томонга йўналтирилган ахборот. Бир томонлама мулоқот (дарслик→ўқитувчи→ўқувчи) Ахборот олиш Хотирада сақлаш Маъносини тушунмаган ҳолда механик тарзда ёдлаш.	Фикрлаш ва амалий фаолият орқали таҳсил олишда фаол иштирок этишни рағбатлантириш. Икки томонлама мулоқот Таҳлил қилиш орқали маълумотни эслаб қолиш Билим ва кўникмаларни намойиш этиш Мазмунни тушуниш ва ҳаётга боғлаш.

Модул – фаолиятлик асосида ўқитиш мазмунини оптималлаш ва тизимлаш дастурларни ўзгарувчанлиги, мослашувчанлигини таъминлайди;

- ўқитишни индивидуаллаштириш;
- амалий фаолиятга ўргатиш ва кузатиладиган характерларни баҳолаш даражасида ўқитиш самарадорлигини назорат қилиш;
- касбга қизиқтириш асосида фаоллаштириш мустақиллик ва ўқитиш имкониятларини тўла рўёбга чиқариш.

Модулли ўқитиш самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ:

- таълим муассасасининг моддий-техник базаси;
- малакали профессор-ўқитувчилар таркиби даражаси;
- талабалар тайёргарлиги даражасига;
- кутиладиган натижалар баҳосига;
- дидактик материалларнинг ишлаб чиқилишига;
- модуллар натижаси ва таҳлилига.

Модулли ўқитишда ўқув дастурларини тўла қисқартирилган ва чуқурлаштирилган табақалаш орқали босқичма-босқич ўқитиш имконияти яратилади. Яъни ўқитишни индивидуаллаштириш мумкин бўлади. Модулли ўқитишга ўтишда қуйидаги мақсадлар кўзланади:

- ўқитишнинг узлуксизлигини таъминлаш;
- ўқитишни индивидуаллаштириш;
- ўқув материални мустақил ўзлаштириш учун етарли шароит яратиш;
- ўқитишни жадаллаштириш;
- фанни самарали ўзлаштиришга эришиш.

Модулли ўқитиш фаннинг асосий масалалари бўйича умумлаштирилган маълумотлар берувчи муаммоли ва йўриқли маърузалар ўқилишини тақозо этади. Маърузалар талабаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга қаратилмоғи лозим.

Модул амалий ва лаборатория машғулотлари маърузалар билан бирга тузилиши, улар маърузалар мазмунини ўрганиладиган янги материал билан тўлдирилиши керак.

Модулни ўқитишнинг самарадорлигини оширишга эришиш учун ўқитишнинг қуйидаги усулларини қўллаш мумкин:

- муаммоли мулоқотлар;
- эвристик суҳбатлар;
- ўқув ўйинлар;
- лоийҳалаш ва йўналтирувчи матнлар ва ҳоказо.

Ўқитишнинг модул тизими мазмунидан унинг қуйидаги афзалликлари аниқланди:

- фанлар ва фанлар ичидаги модуллар орасидаги ўқитиш узлуксизлигини таъминланиши;
- ҳар бир модул ичида ва улар орасида ўқув жараёнини барча турларининг методик жиҳатдан асосланган мувофиқлигини ўрнатилиши;
- фаннинг модулли тузилиш таркибининг мосланувчанлиги;

-талабалар ўзлаштириши мунтазам ва самарали назорат (ҳар қайси модулдан сўнг) қилиниши;

-талабаларнинг зудлик билан қобилиятига кўра табақаланиши (дастлабки модуллардан сўнг ўқитувчи айрим талабаларга фанни индивидуллаштиришни тавсия этиши мумкин);

-ахборотни «сиқиб» бериш натижасида ўқитишни жадаллаштириш аудитория соатларидан самарали фойдаланиш ва ўқув вақти таркибини маърузавий амалий (тажрибавий) машғулотлар индивидуал ва мустақил ишлар учун ажратилган соатларни – оптималлаштириш.

Бунинг натижасида талаба етарли билим ва кўникмага эга бўлади.

Модулли методика асосида ўқитишда фаолиятлик, тизимли квантлаш, қизиқтириш, модуллилик, муаммолик, когнитив визуаллик, хатоликларга таяниш тамойилларига мувофиқ ишлаб чиқилиши лозим.



*Ўтказилган тадқиқотларга кўра модулли методика асосида ўқитишнинг қуйидаги тамойиллари очиб берилди.*

**1. Фаолиятлик тамойили:** Бу тамойил мутахассиснинг касбий фаолияти мазмунига мувофиқ шаклланишини англатади. Бу тамойилга кўра модуллар фан бўйича фаолият ёндашуви ёки тизимли фаолият ёндашув асосида тузилиши мумкин. Модулли ўқитиш технологиясига фан бўйича фаолият ёндашувида модулларни ўқув режаси ва дастурлар таҳлили натижасида тузишни тақозо этади. Тизимли фаолият ёндашувида модуллар блоки мутахассиснинг касбий фаолияти таҳлили асосида шакллантирилади.

**2. Тизимли квантлаш усули** - бу принцип дидактик бирликлар умумлаштирилган назарияларининг талабларига асосланади.

Модулда тизимли квантлаш тамойили ўқув материалнинг тегишли тузилмасини тузиш йўли билан эришилади. Модул умумий кўринишда қуйидаги элементлардан иборат бўлиши мумкин:

-тарихий - бу муаммо теорема масала кашфиёт ва тушунчаларнинг тарихига қисқача шарҳ бериш;

-муаммоли - бу муаммони шакллантириш;

-тизимли - бу модул таркиби тизимини намоён этиш;

-фаоллаштириш - бу янги ўқув материални ўзлаштириш учун зарур бўлган таянч иборалар ва ҳаракат усулларини ажратиб кўрсатиш;

-назарий - бу асосий ўқув материали бўлиб, унда - дидактик мақсадлар муаммони ифодалаш гипотезани асослаш муаммони ечиш йўллари очиб кўрсатилади;

-тажрибавий - бу тажрибавий материални (ўқув тажрибаси тажрибавий ишни) баён этиш;

-умумлаштириш - бу муаммо ечимини ва модул мазмунини умумлаштириш;

-жорий этиш- бу ҳаракатларнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва ўрганилган материални амалиётда қўллаш;

-хатоликлар- талабаларнинг модул мазмунини ўрганишдаги ўзлаштиришда кузатиладиган хатоликларини очиб ташлаш, уларнинг сабабини аниқлаш ва тузатиш йўлларини кўрсатиш;

-боғлиқлик - ўтилган модулни бошқа модуллар билан шу жумладан ёндош фанлар билан боғлиқлигини намоён этиш;

-тест ва топшириқлар ёрдамида баҳолаш - модул мазмунини талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини назорат қилиш ва баҳолаш.

Ўқув материалнинг ўзлаштирилишига машғулотлар пайтида модулнинг амалий аҳамияти қай даражада очиб кўрсатилганлиги модул мазмунининг бошқа модуллар билан боғлиқлиги шу модулни ўрганишдаги талабаларнинг бир хил хатоликлари таҳлили муҳим аҳамиятга эга.

3. Қизиқтириш тамойили - бу тамойилнинг моҳияти таълим олувчининг билим олиш фаолиятини рағбатлантиришдан иборат бўлади. Модулнинг ўқув материалига қизиқишни уйғотиш, билим олишга рағбатлантириш, машғулотлар пайтида фаол иштирок этиш, ижодий фикрлашга даъват этиш модулнинг тарихий ва муаммоли элементларининг вазифалари ҳисобланади.

4. Модуллик тамойили - бу тамойил ўқитишни индивидуаллаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

*Биринчидан* модулнинг динамик тузилмаси фан мазмунини уч хил яъни тўла қисқартирилган ва чуқурлаштирилган кўринишда намоён этиш имкониятини беради. Ўқитишнинг у ёки бу турини танлаш талабанинг ўзига ҳавола қилинади.

*Иккинчидан* модул мазмунини ўзлаштиришда ўқитиш усули ва шаклларнинг турлилигида ҳам модуллик намоён бўлади. Бу эса ўқитишнинг фаоллаштиришга шакл ва усуллар (диалог, мустақил ўқиш, ўқув, имитацион ўйинлар ва ҳоказо) ҳамда муаммоли маърузалар семинарлар маслаҳатлар бўлиши мумкин.

*Учинчидан* модуллик янги материални поғонасимон ўзлаштиришда таъминланади, яъни ҳар бир фан ва ҳар бир модулда ўқитиш оддийдан мураккабга қараб йўналган бўлади.

*Тўртинчидан* модулга кирувчи ўқув элементларининг мосланувчанлиги туфайли ўқув материални мунтазам равишда янгиланган турини имконияти туғилади.

5. Муаммолик тамойили- муаммоли вазиятлар ва машғулотларни амалий йўналтирилганлиги ўқув материалнинг ўзлаштирилиш самарадорлигини ошишига имкон беради.

Машғулотлар пайтида гипотеза қўйилади, унинг асосланганлиги кўрсатилади ва муаммонинг ечими берилади. Кўпчилик ҳолларда бизнинг ўқитувчилар дарсларда фақатгина далиллар келтирадilar. Масалан АҚШда ўқитувчи масалани ўрганиш услубини, ўзи қўйган муаммонинг ечим йўлларини, тажриба хусусиятини, унинг натижаларини кўрсатади ва тушунтиради. Яъни у тадқиқотчи ёки маслаҳатчи сифатида намоён бўлади.

Биринчи навбатда айниқса ана шу нарса талабани қизиқтириб қўяди унда ижодий фикрлаш ва фаолликни туғдиради.

6. Когнитив визуаллик (кўз билан кузатиладиган) тамойили-бу тамойил психологик-педагогик қонуниятлардан келиб чиқади. Ўқитишдаги кўргазмалар нафақат сўроқ вазифасини, шу билан бирга когнитив вазифани бажарган тақдирдагина ўзлаштириш унумдорлигини оширади. Айнан шунинг учун когнитив графика-сунъий интеллект назариясининг янги муаммоли соҳаси бўлиб, мураккаб объектлар компьютер суръатчалари кўринишида тасвирланади. Модулнинг таркибий тузилмаси бўлиб рангли бажарилган когнитив-график ўқув

элементлари хизмат қилади. Шунинг учун расмлар модулнинг асосий бош элементи ҳисобланади.<sup>7</sup>

Бу эса: *Биринчидан*, талабанинг кўриш ва фазовий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради;

*Иккинчидан*, ўқув материали мазмунини ўзида зич жойлаштириб равшан кўрсатувчи расм талабада тизимли билим шаклланишига ёрдам беради.

*Учинчидан*, рангли суратлар ўқув материални қабул қилиш ва эслаш самарасини оширади ҳамда талабаларни эстетик тарбиялаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Кўргазмали маълумот оғзаки маълумотдан кўра аҳамиятлироқ ва унумлироқдир. Кўриш механизмининг маълумотни ўтказиш қобилияти эшитишниқидан кўра анча юқоридир. Бу эса ўз навбатида, кўриш тизимига инсон қабул қилинадиган маълумотнинг қарийб 90 фоизини етказиш имкониятини беради. Ундан ташқари кўргазмали маълумот бир вақтнинг ўзида бериледи. Шунинг учун маълумотни қабул қилиш ва эслашга оғзаки маълумотдан кўра кам вақт талаб этилади. Кўргазмали маълумот ишлатилганда таассурот ҳосил бўлиши оғзаки баёндан кўра ўртача 5-6 мартаба тезроқ кечади.

Инсоннинг кўргазмали маълумотга ишончи, оғзаки маълумотдан кўра юқори бўлади. Шунинг учун “юз бор эшитгандан кўра, бир бор кўрмоқ афзалроқдир” деб бежиж айтилмаган.

Шу билан бирга кўргазмали маълумотда қабул қилиш ва эслаш унуми уни кўрсатилиши орасидаги муддатни узоқлигига боғлиқ бўлмайди. Оғзаки маълумотнинг ўзлаштирилиши эса, бунга боғлиқ бўлади. Ўрни келиб яна бир муҳим тафсилотни қайд этиш лозим: символлик-кўргазмали маълумотни қабул этиш ўқитиш самарасини оширади яъни ўқув-илмий адабиётдан ва компьютер техникаси воситасида олинадиган маълумотни кўпайтириш учун шарт-шароит яратиш зарур. Бу эса ўқитишни индивидуаллаштириш зарурлигини кўрсатади.

7. Хатоликларга таяниш тамойили- бу тамойил ўқитиш жараёнида доимий равишда хатоликларни излаш учун вазиятлар яратилишига талабаларнинг руҳий фаолияти функционал тизими таркибида олдиндан пайқаш тузилмасини шакллантиришга қаратилган дидактик материаллар ва воситаларни ишлаб чиқишга йўналтирилган бўлади.

Бу тамойилнинг амалга оширилиши талабада танқидий фикрлаш қобилиятини ривожланишига ёрдам беради.

8. Ўқув вақтини тежаш тамойили - бу тамойил талабаларда индивидуал ва мустақил ишлаш учун ўқув вақтининг захирасини яратишга йўналтирилган бўлади. Тўғри ташкил қилинган модуллик ўқитиш ўқиш вақтини 30% ва ундан ортиқ тежаш имкониятини беради. Бунга эса модуллик ўқитишнинг барча тамойиллари тўла амалга оширилганда, ўқувжараёни компьютерлаштирилганда ёндош фанларнинг ўқув дастурлари мувофиқлаштирилганда эришиш мумкин.

Ўтказилган назарий ва амалий изланишлар натижасида модуллик ўқитиш - талабаларнинг билим имкониятларини ижодий қобилиятларини ва амалий кўникмаларини ўрганиш даражаларини ривожлантиришда ижобий самара бериши аниқланди. Модуллик методика асосида ўқитишда фан таркибидаги модуллар орасидаги узвийликни таъминлашга ўқитишни жадаллаштиришга талабаларнинг ўзлаштирилишини мунтазам назорат қилишга ва баҳолашга қизиқтириш асосида амалий фаолиятга ўргатишга ҳамда ўқув материални босқичма-босқич ўқитиш орқали фанни самарали ўзлаштиришга эришилади.

### **1.3. Модуллик -кредит тизимнинг аҳамияти ва моҳияти.**

XX асрнинг иккинчи ярмида илмий-техник тараққиёт ўзининг юксак чўққиларига эришди. Илмий техник тараққиётининг (ИТТ) ҳозирги даражаси шундайки фан техника ва технология ривожининг эришилган суръатларини мамлакат қай даражада ривожланган бўлмасин алоҳида олинган мамлакатда уни таъминлаб бўлмайди. ИТТ кейинги ривож фақат турли мамлакатлардаги олим ва мутахассисларнинг ҳамкорлиги илмий-тадқиқот ишларнинг

---

<sup>7</sup> Methods of Teaching. Course Gulde. Associate Degree in Education B.Ed.(Hons) Elementary. 2012.

интеграцияси натижасида амалга оширилиши мумкин. Фан техника ва технологиянинг тараққиёти таълим тараққиёти даражаси билан чамбарчас боғлиқлигини эътиборга оладиган бўлсак таълим соҳасидаги халқаро интеграциянинг устуворлиги яққол муаммога айланиб қолади.

Бу кредит технологияни яратилишини ва қўлланишининг долзарблигини белгилайди. Чунки таълим соҳасидаги халқаро интеграллашуви энг аввало ўқув жараёнини кредит технологияси асосида ташкил этишига таянади.


Таълим соҳасидаги интеграцион жараёнлар илк бор Европада бошланган эди. 1989 йилда Европанинг минглаб талабалари Европа ҳамжамиятининг ERASMUS (European Community Action Scheme for mobility of University students) TEMPUS ва бошқа дастурлари асосида чет элларда таҳсил олиш имкониятига эга бўладилар.

ERASMUS дастури бўйича Европа ҳамжамияти университетлари ўртасидаги талабалар алмашинуви схемаси даставвал 145 олий ўқув юртларини камраб олган эди.

ERASMUS дастурининг ютуқларидан бири бу Европа университетларидаги ўқитиш натижаларини ўзаро тан олиш тизими – (бу) (European Credit Transfer System (ECTS) ни яратиш синаш ва амалиётга кенг қўллаш деб айтиш лозим.

2001 йилда ўқув жараёнини ташкил этишнинг кредит технологияси ECTS Европанинг 1200 та университетларида аллақачон қўлланилган эди.<sup>8</sup>

2001 йилда 29 та Европа давлатлари таълим вазирлари томонидан Болонья декларациясининг имзоланиши Европа таълим ҳудудини яратилишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.



Болонья декларациясига кўра, дипломларнинг ўзаро тан олинishi, яъни ўқитиш натижаларини якуний кўрсаткичларнинг ўзаро тан олинishi муддати – 2010 йил деб белгиланган эди.

Болонья декларациясига кириш учун қуйидаги дастлабки талаблар қўйилади:

- Олий ўқув юртигача 12 йиллик таълим;
- икки босқичли олий таълим-бакалавриат ва магистратура;
- ўқув жараёни ва ўқитиш натижаларини баҳолаш ECTS кредит технологияси асосида ташкил этилиши.

<sup>8</sup> Technologies for education. Wadi D. Haddad, A.Draxler.

**“Кредит” атамаси (ECTS- credit) – синондан ўтди, маълум бир курсни ўқув юртида ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома маъносини англади.**

Creditда “Кредит – шартли синондан бирлиги бўлиб, талабанинг ўқув фанининг маълум бир қисмини ўтганлиги ҳақидаги маълумот беради. Ҳар бир ўқув фанига маълум миқдордаги кредит бирликлари ажратилади. Кредит бирликлари сони талабаларнинг меҳнат сарфига мос ҳолда белгиланади.

**ECTS кредитлари- бу ягона Европа таълим ҳудудини яратишнинг (ибтидосидир) бошланишидир.**

Талабанинг меҳнат сарфи – аудитория машғулоти мустақил ишлар ва ўқув режасида кўзда тутилган бошқа фаолиятларини ўз ичига олади. Яъни ECTS кредитлари фақат аудитория соатлари билан чегараланмасдан талабаларнинг тўла юкласига таянади. Шунинг учун ECTS кредитларини талаба меҳнат сарфининг ўқув фанлари бўйича шартли-сонли ифодаси деб ҳисоблаш мумкин.

Одатда ўқув режасидаги фанларга ажратиладиган кредитлар сони 3 га тенг ундан кўп ва кам сонли фанлар ҳам мавжуд.

ECTSда кредитлар йиғиндиси семестрда–30 ўқув йилида–60 бакалавриатдаги ўқув даврида – 240 ни ташкил этади.

ECTS кредитлари барча ўқув фанларига яъни мажбурий ва талаба танлови асосида фанларга тақсимланади. Улар мазкур фан бўйича курс лойиҳалари ва ишларининг мавжудлигини ҳисобга олишлари зарур.

Ўқув фанига ажратиладиган кредитлар миқдори, фаннинг мураккаблигига ва ўзлаштириш боғлиқ бўлади. Яъни ҳар қандай мураккаб фан ҳам катта миқдордаги кредитларга эга бўла олмайди.

Агар мураккаб фан билиш ва тушуниш даражасида ўзлаштирилган бўлса, кам мураккабли ўқув фани малака даражасида ўзлаштирилса табиийки охиригисига кўпроқ кредитлар ажратилади. Шунинг учун турли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун, бир фаннинг ўзи турли ўқув дастурларига ва унга мувофиқ турли меҳнат сарфи ва кредитларга эга бўлиши мумкин.

Кўрииб турганидек, бизнинг мамалкатимизда биринчи ва иккинчи талаблар бажарилган. Энди навбат учинчи талабни бажаришда – яъни ўқув жараёнини кредит технологияси асосида ташкил этиш.

*Ушбу технология асосида ўқув жараёнини ташкил этишдан мақсад нимадан иборат?*

Ўқув жараёнини ташкил этишнинг ECTS кредит технологиясига ўтишда қуйидаги мақсадлар кўзланади:

- хорижда ўқишни давом эттириш учун олий юртини танлашда шарт-шароит яратиш;
- Ўзбекистонда таълим олган муддатини хорижий давлатларда тан олишини таъминлаш;
- Европа олий ўқув юртлари ўқув режаларини ўрганиш ва шу асосида ўқув жараёнини такомиллаштириш;
- талабалар қобилиятини тўлароқ очилишига ва ўқитишнинг юқори натижаларига эришиш.

ECTSнинг асосий тамойиллари:

ECTSқуйидаги асосий тамойилларга таянади:

*1. Transferancy-* бу ECTS тизимига хоҳлаган шахс ёки ташкилотнинг тўсиқсиз киришига шарт-шароит яратиш. Ушбу шарт-шароит кучли ахборот тарғиботи воситасида яратилади, унинг натижасида умумий янгилик, аниқлик ва очиқлик муҳити шакллантирилади.

Ахборот тарғиботи қуйидагиларни ўз ичига олади:

- алмашиш схемасига киритилган талабаларнинг ўқиш натижалари ҳақида бир-бирига ўз вақтида ахборот етказиб туриш;

-олий ўқув юртларининг ўз ахброт пакетлари билан мунтазам алмашиб туришлари, таълим хизматлари доирасида бир-бирини имкониятларини ўрганиш;

-олий ўқув юртларида, ECTS ҳақида тўла маълумотларнинг мавжудлиги.

2. *Agreement* – талаба билан иккала олий таълим муассасасининг ECTS координаторлари орасида тайёрлаш мазмуни, ўқув тартиби ва муддатлари, аттестация тадбирлари, ўқув режаларидаги фарыни бартараф этиш тартиблари ҳақида ўзаро келишувларини англатади.

3. *Credits* – Host университетда (қабул қиладиган университет) муваффақиятли ўтилган барча фанлар Post – университетда (талабани бошқа ОТМга жўнатган университет) ҳисобга олиниши зарур.

4. *Таълимнинг инсонпарварлашуви* – бу шахснинг турли таълим хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириши ва таълим жараёнида инсон қобиятининг очилишини англатади. ECTS таълимни давом эттириш учун олий таълим муассасасини, ўқув фанларини ва ўқитувчиларни танлиш имкониятини беради.

5. *Таълимнинг индивидуаллаштируви* – бу ҳар бир талабанинг индивидуал режа ва таълим дастурларига эга эканлигини ифода этади. Талаба танлови асосидаги фанлар 70%ни, мажбурий фанлар эса 30% дан ошмайди. Талабанинг мустақил иш ҳажми 70%ни, аудиториядаги иши эса 30%ни ташкил этади. Ушбу кўрсаткичлар индивидуал таълимни ташкил қилишга асос бўлиб хизмат қилади.

6. *Таълимнинг самарадорлиги* – гуруҳда индивидуал ўқитишли аудитория машғулотлари ва талабанинг мустақил ишларини уйғунлаштириш орқали таъминланади. Аудитория ўқув вақтининг 70% гача қисмини индивидуал ўқитишга, шунингдек умумий ўқув вақтининг 70%гача қисмини мустақил ишга ажратилиши ўқув фанларининг талабалар томонидан ўз қобилиятлари даражасида ўзлаштиришга имкон яратади. Ушбу билан таълимнинг самарадорлиги таъминланади.

7. *ECTS тамойиллари* – шахснинг ўз қобилиятини тўла ривожланиши ва рўёбга чиқариши ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш зарурийлигини кўзда тутади.

ECTSнинг хусусиятлари

Замонавий ўқитиш технологияси, олий таълим муассасасининг жиҳозланганлиги, профессор-ўқитувчилар таркиби фақат даражали, юқори малакали кадрлардан иборат бўлиши, ўқитишнинг юқори сифатлари – ECTS учун дастлабки зарурий талаблар ҳисобланади. Ўқув жараёнини ташкил этишнинг ушбу тизими, қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга.

Ўқув режаси бўйича:

Барча ўқув фанлари икки гуруҳга бўлинади – мажбурий ва талаба танлови асосидаги фанлар. Бу нисбатан тахминан 1:2 га тенг қабул қилинади;

Ҳар бир талаба шахсий ўқув режасига эга бўлади.

Асосий ҳужжат транскрипт (transcript of records) у хусусиятларнинг унификациялашган ҳужжат бўлиб, ягона шаклда тузилади, ўқитиш натижаларини тан олиш учун мажбурий ҳужжат ҳисобланади. Транскриптда, талабанинг мазкур давлатда қабул қилинган баҳолаш тизимида ҳам, хусусиятлар тизими бўйича ҳапм олган баҳолари, олинган хусусиятли кредитлари бўйича маълумотлар келтирилади:

Ҳар бир семестрда ўрганиладиган фанларнинг сони 3...5та бўлиши;

Мустақил ишга ажратилган соатлар, аудитория соатларидан кўп бўлиши;

Кредит ўзида талабаларнинг ўқув фанини ўзлаштириш учун зарур бўлган барча меҳнат сарфларини мужассамлаштирди. Ўқув фани учун ажратиладиган кредитлар сони, аксарият ҳолларда 3 га тенг бўлади.

♣ Ўқув фани дастурининг мазмуни (syllabus) қуйидагиларни ўз ичига олади:

ўқув фанининг тўлиқ номланиши ва унинг ўқув режасидаги тартиб рақами;

ўқув фанини ўрганиш мақсади;

ўқув фанининг қисқача мазмуни;

таквимий режа, машғулотлар жадвали билан;

ўқитиш технологияси;

талабанинг масъулияти ва унга қўйилган талаблар;

талабалар билимини баҳолаш тартиби ва мезонлари;  
асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати.

♣ Ўқитувчининг ўқув юкмасини ҳисоблашида:

Умумий меҳнат сарфи миқдори (аудитория ва мустақил иш соатлари) бир ўқув йилида 750-800 соатни ташкил этиши – эътиборга олинади.

♣ Ўқитиш жараёнининг асосини:

шахсга йўналтирилган ўқитиш технологиялари;  
талабанинг мустақил ишида, ўқитувчи маслаҳатчи сифатида иштирок этади;  
талаба ўқув фанини ва ўқитувчини танлаш ҳуқуқига эга.

♣ Ҳар бир талабага ахборот пакети берилади. У қуйидагиларни ўз ичига олади.

Олий таълим муассасаси ҳақида маълумот;

Ўқув режаси;

Ўқув жараёнининг графиги;

Ўқув фанларининг мазмуни;

Олий таълим муассасида қабул қилинган таълим тизимининг методик хусусиятлари ҳақида маълумотлар:

талабалр билимини баҳолаш тизими ва баҳолар шкаласи ҳақида маълумотлар;

ижтимоий-маиший шарт-шароитларга тегишли маълумотлар;

тарихий ва маданий соҳага оид маълумотлар;

қўшимча таълим хизматлари тўғрисида маълумотлар

♣ *ECTS – олий мактабда ўқув жараёнини ташкил этишининг демократик тизимининг намунаси*дир.

*Кредитларни тақсимлаш ва ECTS ўқув режаларига ўтиш методикаси*

Давлат таълим стандартларига таяниб тузилган ўқув режаси, ўқув жараёнини ташкил этишининг асоси бўлиб хизмат қилади. Ушбу меъёрий ҳужжатлар асосида ўқув фаолияти турлари бўйича меҳнат сарфлари аниқланади. Ўқув фаолияти турлари бўйича меҳнат сарфларини ҳисоблаш намунаси 1.1.-жадвалда келтирилган.

Кредитларни ҳисоблаш ва уларни ўқув фаолиятлари турлари, блоклар ва алоҳида фанлар бўйича тақсимлашда ўтиш коэффициентини аниқлаш зарур

( $K_{\text{ўм}}$ ).

$K_{\text{ўм}} = 240 : 8262 - 0,029$

Бу ерда: 240 – бакалавриятнинг ECTS бўйича умумий меҳнат сарфлари йиғиндиси, соат.

Кредитлар сони меҳнат сарфини ўтиш коэффициентига (0,029) кўпайтириб торилади.


Ўқув фаолияти турлари, блоклар ва алоҳида ўқув фанлари бўйича кредитларни ҳисоблаш намуналари 2,1,2,2 ва 2,3 жадвалларда келтирилган.

1 –жадвал. Ўқув фаолияти турлари бўйича кредитлар тақсимоти намунаси.

№	ДТС асосида ўқув фаолиятининг ногми	Ҳафта-лар сони	Аудитория соатлари	Умумий ўқув юкмаси	Кредит
1.	Назарий ва амалий таълим	136	[136·36]	136·54=7344	7344·0,029=213
2.	Малакавий амалиёт	12	432	648	19
2.1.	Ишлаб чиқариш амалиёти	4	4·6·6=144	4·6·9=126	6
2.2.	Педагогик амалиёт	8	288	432	13
3.	Битирув иши	5	5·36=180	5·54=270	8
4.	Атгестация	19			
5.	Таътил	32			
Жами:		204	5508	8262	240



## КРЕДИТ ТИЗИМНИНГ УСТУНЛИГИ



24

✎ Жадвалдаги маълумотларни ҳисоблашда ҳафталик аудитория ўқув юкламаси - 36 соат, талабаларнинг меъёрий ҳафталик меҳнат сарфи – 54 соат қабул қилинган.

2- жадвал. Фанлар блоклари бўйича кредитларни таксимоти назарияси.

№	Фанлар блокларининг номланиши	Аудитория соатлари	Умумий ўқув юкламаси	Кредит
1	Умумгуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар	1214 (≈25%)	1726	50
2	Математик ва табиий-илмий фанлар	846 (25%га)	1292	37
3	Умумқасб фанлари	2034 (50%га)	3682	89
4	Ихтисослик фанлар	468 (≈10%)	794	23
5	Кўшимча фанлар	334 (≈5%)	450	14
6	Малакавий амалиёт	4326	6489	19
7	Битирув иши	180	270	8
Жами		5508	8262	240

№	Фаннинг номи	Меҳнат сарфи (соат)	Ҳисоб бўйича кредит	Кредит
<i>1 курс: Кузги семестр</i>				
1	Ўзбекистон тарихи	110·0,29	3,2	3
2	Иқтисодиёт назарияси	85·0,29	2,5	3
3	Ўзбек (рус) тили	55	1,6	2
4	Чет тили	43	1,3	1
5	Жисмоний маданият	58	1,7	2
6	Информатика	110	3,2	3
7	Иқтисодий география	80	2,3	2
8	Иқтисодий таълимотлар тарихи	86	2,5	3
9	Иқтисод учун математика	110	3,2	3
10	Ёш даврлар физиоло-гияси ва гигиенаси	54	1,6	2
11	Талаба танлови фанлари	182	5,3	5
Жами:		972	28,4	29

Замонавий ўқув режаси бўйича, ECTS бир кредитнинг тахминий қиймати талабанинг 34,4 соат меҳнат сарфига тенгдир

Кредит технологияси бўйича талабалар билимини баҳолаш методикаси.

Ўқув жараёни кредит технологияси асосида ташкил этилганида, аксарият ҳолларда 4 балли баҳолаш шкаласини қўллаб, 100 фоиз баҳолаш тизими ишлатилади.

3- жадвал. Ўқув фанлари бўйича кредитлар тақсимооти намунаси.

I курс: баҳорги семестр				
1.	Ҳуқуқшунослик	55	1,6	2
2.	Ўз.Р.Конституцияси	55	1,6	2
3.	Иқтисодиёт назарияси	98/98	2,8	3
4.	Ўзбек (рус) тили	55	1,6	2
5.	Чет тили	43	1,3	1
6.	Жисмоний маданият	57	1,7	2
7.	Информацион технологиялар ва тизимлар	108	3,2	3
8.	Иқтисодчилар учун математика	110	3,2	3
9.	Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика	110	1,8	3
10.	Иқтисодий география ва экология	60	2,4	2
11.	Замонавий табиий фанлар концепцияси	82	2,9	2
12.	Иқтисодчилар учун информацион технологиялар	97	4,3	3
13.	Психология	150	3,2	4
14.	Талаба танлови фанлари	110	31,6	3
Жами		1080	60	31
Ҳаммаси:		202	60	60

4- жадвал. Баҳолаш мезонлари.

Баҳолаш таърифи	Шартли белгиси	Ўзлаштириш	Баҳолаш мезони	Тайёргарлик даражаси
Аъло	A	90-100	Билимларни умумлаштиради ва баҳолайди, таҳлил этади, тушунади, билади	4-даража ижод даражаси
Жуда яхши	B	80-90 таҳлили	Таҳлил этади, қўллайди, тушунади, билади	3-даражаси кўникма, малака ва даражаси (автоматик)
Яхши	C	70-80 қўллаш	Қўллайди, тушунади, билади	3-даражаси кўникма ва малака даражаси
Қониқарли	D	тушуниш	Тушунади, билади	2-даража қайта тиклаш даражаси
Етарли	E	50-60 билиш	Билади	1-даражаси тасаввур этиш даражаси
Етарли эмас, қўшимча яна ишлаш талаб қилинади	FУ	40-50	Ёмон билади	0-даражаси ёмон тасаввур этади
Етарли эмас, қўшимча яна жуда ҳам қўп ишлаш керак	F	40 кам	Умуман билмайди	0-даражаси умуман тасаввур этмайди

Масалан: А-4 б; В-3,5 б; С-3 б; D -2,5; E-2 б; F- 1,5 б;F-1 б.

100 фоизли баҳолаш тизими қуйидагича тақсимланиши мумкин: машғулотларша қатнашиши – 5%, жорий тестлаш – 30%, одатда 3 марта 10% дан; мустақил ишларни бажариш – 15%, ўртача 3 марта 5% дан; лаборатория ишларини бажариш – 10%, курс лойиҳаси (иши)ни бажариш -10%; якуний имтиҳон -30%.

4-жадвал келтирилган баҳолар мезонларидан 10 фоизли баҳолаш тизимида қўлланилганида фойдаланиш мумкин.

Ўқув фани материалнинг 90-100% ўзлаштириши “аъло” баҳога тўғри келади. Бу тайёргарликни 4-даражасига тенглаштирилади ва “ижод даражаси” деб белгилайди.

Ўқув фани дастури камида 50% ўзлаштирилганида “етарли” баҳоси қўйилади, бу ўзлаштиришнинг тасаввур даражаси” деб белгиланади. Ўқув фанининг 40%дан кам ўзлаштириши, тайёргарликнинг 0-даражаси, яъни “умуман тасаввур этмайди” деб ҳисобланади.

#### **1.4. Замонавий таълим шакллари: blended learning (аралаш ўқитиш), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методлар.**

Масофали ўқитиш.

Педагогика фани билимлар соҳаси ва ижтимоий амалиёт соҳаси каби жаҳон ривожланиш умумий тенденциялари ва қонуниятларига биноан ривожланади. Шунинг учун касбий-педагогик таълим чет эл тажрибаларини ўрганиш уни илмий тушуниш илғор ғоялардан миллий таълим амалиётида фойдаланиш айниқса долзарб ҳисобланади. "Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги позитив жаҳон тажрибасини ҳисобга олиш узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими барча элементларига тааллуқли ва унинг ривожланиши омилларидан бири ҳисобланади". Шу билан бирга миллий ғоялар ва анъаналарда қурилган таълим ҳар доим миллий ривожланиш масалаларига жавоб беришини эсда тутиш керак.

Бундай таълимнинг техник ёки ташкилий шакллари турлича бўлиши мумкин баъзан умуман одатдан ташқари тасаввур қилиб бўлмаган кўринишларга эга бўлиши мумкин. Аммо бизнинг чуқур ишонч ҳосил қилишимизга охир-оқибат одамнинг таълим олиши натижаси фақат ўқув фаолияти шакллари шу жумладан масофавий таълим билан белгиланмайди балки ўқув жараёни қуриладиган таянч психологик - педагогик мазмунга боғлиқ бўлади. Айнан мана шу мазмунларини излаб топиш миллий менталитетга нисбатанмасофали таълим асосларини ишлаб чиқиш бошланғич вазифаси ҳисобланади. Бу "нарс" турли рамзий амалиётлар экранларида акс эттирилиб намоён бўлади. Фикри сезгилари ва ҳаракатларида моддийлашади.



Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти бой чет эл ва миллий тажрибалар тадқиқотлар йўналишлари умуман долзарблигини тасдиқлайди. Янги педагогик ахборот ва телекоммуникатсия технологиялардан фойдаланишга асосланган таълим олиш усулидан бири ҳисобланган масофали таълим моҳиятини тушунишга бизни яқинлаштиради. Таълимнинг синтетик интеграл ва гуманистик шакли ҳисобланувчи масофали ўқитишнинг айнан назарий ва

амалий масалалари таълимни ислоҳ қилиш шароитларида миллий таълим тизими олдида турган муаммолар катта қисмини ҳал этиши керак.

Чет эл таълим тизимларида масофали ўқитишнинг ташкил топиши ва ривожланиши жараёнини ўрганишда таълим муассаларида масофали ўқитишни амалий ташкил қилиш турли шакллари ва вариантларини ҳамда масофали таълимни дидактик таъминлаш воситаларини таҳлил қилишга эътиборни қаратиш зарур.

Солиштириш методи моҳиятини хитой олими Х. Шу ва Н. Чжоулар тўла очиб берадилар: "Агарда миллат вақт ўқида ўзининг турган жойини тарихий ёки "вертикал" солиштиришлар билан аниқлай олса шунда у миллатлараро ёки "горизонтал" солиштиришлар ёрдамида дунёдаги ўз ўрни тўғрисида яхшироқ тасаввурга эга бўлади. Шу билан бир вақтда "вертикал" солиштириш ишонч уйғотади "горизонтал" эса реалист бўлишга мажбур этади".

Масофали таълим - масофада туриб ўқув ахборотларини алмашиш воситаларига асосланувчи махсус ахборот таълим муҳити ёрдамида таълим хизматлари тўпламидан иборат. Масофали таълим ахборот - таълим муҳити фойдаланувчилар таълим олиш эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган маълумотлар узатиш воситалари ахборот ресурслари ўзаро алоқалар протоколлари аппарат - дастурли ва ташкилий-методик таъминотлар системали - ташкилий тўпламидан иборат.

Масофали таълим - ўқитувчиларга ўрганилаётган материал асосий ҳажмини етказиб беришни ўқитиш жараёнида ўқитувчилар ва талабларнинг интерактив ўзаро алоқаларини, талабаларга ўрганилаётган материални мустақил ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш имконини беришни ҳамда ўқиш жараёнида уларнинг олган билимларини ва кўникмаларини баҳолашни таъминловчи ахборот технологиялари тўплами.

Келтирилган тушунчалардан таққослаш тадқиқотини ўтказишда дунёда масофали ўқитиш таълим муҳити қандай шаклланишига асосий эътиборни қаратиш зарурлиги кўриниб турибди. Шу билан бирга бизни биринчи навбатда таълимнинг мана шу соҳаси ривожланиши тенденциялари қизиқтиради. Умуман таълимнинг ноанъанавий шаклларига ўтишда дунё тенденциялари янги ахборот технологиялари бўйича тайёргарлик олиб борувчи касбий ўқув юртларининг сони ортиб бориши кузатилади.

Университетлар ташкилий тизимларининг бирлаштирилиши масофали таълимнинг ўзига хос тенденцияси ҳисобланади. Мисол учун охириги йилларда масофали университет таълими ташкилий тузилиши янги тури - университетлар консорсиуми ривожланмоқда. Бир неча университетлар фаолиятини бирлаштирувчи ва бошқарувчи махсус ташкилот масофали таълим хизматларини кўрсатмоқда. Университетлар консорсиуми турли университетларда ишлаб чиқилган абитуриентлар учун курслардан тортиб илмий даража олишгача бўлган курслардан иборат курслар тўпламини таклиф этади.<sup>9</sup>

Ғарбий Европада олий таълим олиш даражасидан масофали таълим "очиқ университетлар" деб аталувчи шаклларда амалга оширилади. Миллий очиқ университетлар кўп жихатдан сиртқи таълим ташкилий принципларидан фойдаланадилар. Очиқ таълим асосида - ўқитувчилар ўзлари олдиларида турган таълим мақсадларига эришишга интилиб тўла мустақил йўналадиган таълиммуҳитипухтаишлаб чиқилган.

Таълимнинг очиқлиги принципи қуйидагини англатади: олий ўқув юртига очиқ ўқишга қабул қилиши яъни зарур ёшга етишдан ташқари (18 ёш) ҳар қандай шарт ва талаблардан воз кечиш; ўқишни очиқ режалаштириш яъни курслар системасидан йўли билан ўқиш индивидуал дастурини тузиш эркинлиги; ўқиш вақти ва суръатларини эркин танлаш яъни бутун йил давомида талабаларни олий ўқув юртига қабул қилиш ва белгиланган ўқиш муддатларининг йўқлиги; ўқиш жойини эркин танлаш: ўқув вақти асосий қисмида талабалар ўқув аудиторияларида жисмонан бўлмайдилар ва қаерда ўқишимустақилтанлайоладилар.

Очиқлик принципини амалга ошириш катта ташкилий янгиликларга олиб келди уларни ахборотларни сақлаш қайта ишлаб чиқиш ва етказиш янги технологияларини татбиқ этиш ҳисобига амалий амалга оширилиши мумкин бўлди.

---

<sup>9</sup> Technologies for education. Wadi D. Haddad, A. Draxler.

Мисол учун ўтган аср 90-йилларида телеконференциялар ўтказиш технологияси асосида масофали таълим янги модели пайдо бўлди. Моделнинг асосини ўқитувчилар ва ўқитувчилар ўртасида ўзаро алоқалар асосий шакли ҳисобланган ҳақиқий вақт давомида ҳам бўлиши мумкин бўлган телеконференциялар ўтказишдан иборат. Шу билан бирга телеконференциялар ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида ҳам ва ўқувчиларнинг ўзлари ўрталарида ҳам ўтказилиши мумкин. Булар аудио аудиографик видео-компьютерли телеконференциялар бўлиши мумкин. Телетаълим модели яқинда пайдо бўлди лекин у замонавий таълимда ташкил этишда тубдан ўзгаришларга олиб келмоқда. Мана шу асосида замонавий таълимнинг янги ташкилий шакли - виртуал университетлар ривожланаётганлигида бу яққол намоён бўлмоқда. Ўқишнинг бу шаклини биз янги таълимнинг энди пайдо бўлаётган модели сифатида қараймиз. Мазкур моделида Ўқув мақсадларида фойдаланиладиган телеконференциялар технологиясига эга бўлган таълим тизимини қайта қуриш мавжуд имкониятлари амалга оширилади. Бу технологиялар талабалар гуруҳларига ва алоҳида ўқитувчиларга бир-биридан ҳар қандай масофадан туриб ўқувчилар билан ва ўзаро учрашиш имконини беради.

Бундай замонавий телекоммуникация воситалари босма матнлар аудио ва видеотасмалар ўрнини босувчи компьютерли ўқув дастурлари билан тўлдирилади. Масофали таълимнинг бундай модели пайдо бўлиши фақатгина масофадан туриб эмас, балки таълим муассасаси қандайлигидан қатъий назар таълим беришни олиб боришга олиб келади. Бундай модел ҳали тўла амалга оширилган эмас. Бу модел катта қийинчиликларга дуч келмоқда хусусан жамоатчилик томонидан тан олинмиши ва маълум илмий даража бериш диплом ва сертификатлар бериш ҳукуқини олиш (виртуал университет аккредитацияси) муаммолари. Мана шу қийинчиликларни йўқотиш ва виртуал университет моделининг тўла ривожланиши замонавий таълим ташкилий тузилишида чуқур ўзгаришларни англатади.

Масофали таълим фақатгина миллий таълим тизими (институционал) доирасидагина эмас балки олий таълим бутун дастурининг тўртдан бир қисмини ташкил этувчи асосан бизнес соҳасида тайёрлашга йўналтирилган алоҳида тижорат компаниялари томонидан ҳам ривожлантириляётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. ИБМ Генерал Моторс Форд каби ва бошқа компаниялар томонидан хусусий корпоратив таълим тҳармоқлари яратилган. Мана шу таълим тизимларининг кўплиги мураккаблиги бўйича ҳам ва сони бўйича ҳам университетларда яратилган тизимлардан анча илгарилаб кетган.

Охирги ўн йилликлар давомида масофали ўқитишнинг ривожланиши узлуксиз таълим воситаси сифатида дунё ҳамжамятининг диққат маркази объекти ҳисобланади. 1990 йил мҳарт ойида Европа комиссияси "Масофали ўқитиш ва касбий тайёрлаш" ишчи ҳужжатини қабул қилди бу ҳужжатда таълим "айниқса таълимнинг самаралилиги нуқтаи назаридан қизиқарли. Юксак сифатли таълим технологиялари марказда ишлаб чиқилиши ва шундан кейин жойларда тарқатилиши мумкин" дейилган. Масофали таълим учун қулай шароитлар яратиш учун 1994 йилда Европа комиссияси "Леонардо да Винчи" дастурини ишга солди. Ушбу дастур "бутун ҳаёти давомида узлуксиз таълимни ва тайёрлаш янги шакллари" тизимини ривожлантириши керак. "Сократ" дастури "уйда таълим олишни европа масштабига олиб чиқиш" мақсадини ўз олдига қўяди. Масофали таълим соҳасида фаолиятни мувофиқлаштириш учун бутун дунё масофали таълим ассоциацияси (WAOE) ташкил этилди бу ассоциация масофали таълим минтақавий таълим тизимларини бирлаштиради. Дунёда масофали таълимнинг тизимлари турли-туманлиги хизматлар кўрсатиладиган таълим ва ташкилий шакллари жуда хилма-хиллиги сабабли ҳатто оддий турларга ажратиш ҳам жуда қийин. Қуйида чет эл нашрлари материалари бўйича масофали таълим ўқитиш тизимлари энг эътиборлиларикўрсатибўтилган.

Мамлакат масофали таълим ўқитиш тизими Белгия Брюсселдаги Олий иқтисодиётмактаб.(ЕСАЛ)АҚШда масофали таълимнинг ҳолати ва тенденцияларини алоҳида кўриб чиқишни муҳим деб ҳисоблаймиз. Биринчидан таълимнинг бу тури ўқувчилар кўп қисмини қамраб олган иккинчидан ўқитиш масофали шакли анъанавий таълим тизимлари билан (мактаб ўрта таълимдан кейинги ҳамма таълим турлари фирмалар ичидаги касбийтаълим)табiiйравишдабирлаштирилган.

МДХ давлатларида фақатгина 1 миллионга яқин одам масофали таълим тизимида ўқитилади. Мисол учун 40 та инженерлик мактабларидан консорсиум ташкил этувчи Миллий технологик университет 90-йиллардаёқ масофали таълим методи билан 1100 талабаларни магистр даражасига тайёрлашни таъминлади. Масофали таълим учун АҚШда телевидениедан кенг фойдаланилади. ПБС-ТВ оммавий телекўрсатувлар тизими доирасида миллиондан ортиқ талабалар ўқитилади. Катталарни ўқитиш дастури фан бизнес бошқарув курсларини ўз ичига олади. Бизнес молия ва АҚШдан чиқишсиз ҳуқуқи соҳасида бакалавр магистр ва доктор диплом ҳамда илмий даражаларини олиш билан америка Кеннеди-Вецери университетидаги масофали ўқитиш дастури таълим хизматлари орасида алоҳида ўрин тутади. Дастур халқаро тан олинган мавқеини олишни истаган бизнесменлар ва банкирлар учун мўлжалланган. Майк Харт томонидан бошқариладиган Иллиное штати Бенедикт коллежи "Гуттлер берг" лойиҳаси АСЧ-файллар кўринишида классик асарларни иложи борица кенг аудиторияга етказиш мақсадини ўз олдига қўяди. Америка таълим хизматларини таълим хизматлар бозорида тақдим этишда БМИ (Бусинесс Манагемент Интернационал) - Калифорния штатида (АҚШ) Сан-Франциско шаҳрида штаб-квартирасига эга ихтисослаштирилган америка консалтинг компанияси катта фаоллик кўрсатмоқда. Шундай қилиб масофали таълим фаолиятига келтирилган мисоллардан Фарба масофали таълимнинг ривожланиши асосий тенденцияси масофали таълим тизими орқали тақдим этиладиган таълим хизматларининг кенглиги ва турли хиллиги ҳисобланади деган хулосага келиш мумкин. Бундан ташқари масофали таълимнинг ривожланиши ахборот ва телекоммуникация технологияларнинг ривожланиши билан боғлиқдир.

Ҳозирги замон талабига тўлиқ жавоб берадиган мутахассисни тайёрлаш бу – давр талабидир. Ҳозирги вақтда республикамизда ёш авлодни тарбиялаш ўқитиш билим бериш замонавий ахборот технологияларга яқиндан ёндашиш ҳамда янги техника ва технологиялар билан ишлашни ўргатиш мақсадида жуда кўп ижобий ишлар амалга оширилиб борилмоқда. Улардан асосийси “Масофадан ўқитиш техника ва технологияси”дир. Шу нуқтаи назардан ёш авлодни масофадан ўқитиш тизимига тайёрлаш босқичларини қуйидаги кўринишда амалга ошириш мумкин.

Ҳозирги ахборот технологиялар жадал ривожланиб бораётган даврда масофавий ўқитиш катта аҳамият касб этмоқда. Чунки таълимнинг бу тури шу пайтгача мавжуд бўлган таълим турларидан ўзининг айрим ижобий томонлари билан ажралиб туради. Мўнинг кундузги ва бошқа таълим турларидан фарқли жиҳати шундаки мазкур таълим турига жуда кенг аҳоли оммасини жалб қилиш мумкин. Мўўзида кундузги ва сиртқи таълим турларининг ижобий хусусиятларини мужассам этади

Шу жиҳатларига кўра Мў ҳозирги кундаги истиқболли таълим турларидан бири ҳисобланади. Мў асосида таълим бериш учун ўқиш истагида бўлган аҳолининг муайян қисмини таълим муассасаси жойлашган ерга йиғиш шарт эмас. Иккинчидан тингловчи ёки ўқувчи томонидан ортиқча сарф – харажат қилиш зарурати бўлмайди. Учинчидан бу таълим турига жалб қилинувчиларнинг ёш чекланишларини истисно қилиш мумкин. Мўга жалб қилинувчи контингентни қуйидаги ижтимоий гуруҳларга мансуб бўлган шахслар ташкил қилиши мумкин:

- иккинчи олий ёки қўшимча маълумот олиш малака ошириш ва қайтатайёргарликўташистагидабўлганлар;

- минтақавий ҳокимият ва бошқарув раҳбарлари;

- анъанавий таълим тизимининг имкониятлари чекланганлиги сабабли маълумот олмаган ёшлар;

- ўз маълумот мақомини замонавий талаблар даражасига кўтариш истагида бўлган фирма ва корхоналар ходимлари;

- иккинчи параллел маълумот олишни хоҳлаган тингловчилар;

- марказдан узоқда кам ўзлаштирилган минтақалар аҳолиси;

- эркин кўчиб юриши чекланган шахслар;

- жисмоний нуқсонлари бўлган шахслар;

- ҳарбий хизматда бўлган шахслар ва бошқалар.

“Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” мақсад ва вазифалари босқичма – босқич рўёбга чиқарилишида замонавий ахборот технологиялари ва тизимларнинг роли муҳим аҳамият касб этиши ҳаммага аён дидир. Замонавий ахборот технологияларига: мультимедиа бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш бир алифбодан иккинчи бир алифбога ўтказиш компьютерли тест назорати сканер технологияси интернет электрон почта Веб – технология электрон виртуал кутубхона масофадан туриб таълим бериш тақдим этиш технологияси сунъий тафаккур тизимлари ва бошқалар киради.

Вебинар методи.


Вебинар усулида дарс семинар ёки конференция Интернет орқали бир вақтда ҳозир бўлган талабалар билан аудио видео (ва аввалги постларда санаб ўтилган кўплаб интерактив имкониятлар) билан жонли олиб борилиб ушбу дарс кейинги фойдаланишлар учун ёзиб олиниши мумкин бўлсада бутун ўқув ёки курс жараёнидаги дарслар ягона платформа доирасида ўзаро узвий боғланмайди, яъни алоҳида-алоҳида бир марталик дарслар бўлади дейиш мумкин.

Муаммоли метод. Муаммоли методнинг моҳияти машғулотлар жараёнида муаммоли вазиятларни яратиш ва ечишдан иборат бўлиб унинг асосида дидактик зиддиятлар ётади. Муаммоли таълим концепциясининг асосий тушунчалари «муаммоли вазият» «муаммо», «муаммони топиш» кабилар ҳисобланади. Чизмадан англанадики муаммоли вазият бу методнинг дастлабки кўриниши ҳисобланиб ўзида субъектнинг аниқ ёки қисман тушуниб етилган муаммони ифодалайди уни бартараф этиш янги билимлар усуллар ва ҳаракат кўникмаларини ўзлаштиришни тақозо этади. Агар ўқувчида қийинчиликларни йўқотиш йўллари излаб топиш учун бошланғич маълумотлар бўлмаса шубҳасиз муаммоли вазият ечимини у қабул қилмайди яъни муаммонинг ечими унинг онгида акс этмайди. Фикрлаш муаммо моҳиятини тушуниб этилиши ифодаланиши мавжуд билим ва кўникмалар мажмуаси ва изланиш тажрибаси асосида муаммоли вазиятни қабул қилиш биланок бошланади. Бу ҳолда муаммоли вазият муаммога айланади. Ҳар бир муаммо муаммоли вазиятни ўзида намоён этади бироқ барча муаммоли вазият муаммога айланавермайди.

Зиддиятларни бартараф этиш нафақат илмий билиш йўли шу билан бирга ўқув йўли ҳамдир. Бу методни кўйидаги чизма ёрдамида ифодалаш мумкин:

Мазкур методдан фойдаланиш жараёнида муаммо ечимини топишга ёрдам берувчи йўналишлар кўрсатилмайди ва чегараланмайди. Бу хусусият муаммоли масалага хосдир. Муаммода ечимнинг қандайдир параметрлари кўрсатилса у муаммоли масала ҳисобланади. Ҳар қандай муаммоли топшириқ маълум муаммони демак муаммоли вазиятни ҳам қамраб олади. Бироқ юқорида таъкидланганидек барча муаммоли вазият муаммо бўла олмайди. Инсон ҳар доим муаммоли масалаларни ҳал этади.

Муаммоли ўқитиш методининг тузилмаси



Агар унинг олдида муаммо пайдо бўлса уни муаммоли масалага айлантиради, яъни унинг ечими учун ўзидаги билимлар тизимига таянади ва маълум кўрсатишларни белгилаб

олади. Муваффақиятсизликка учраган тақдирда, у бошқа кўрсаткичларни қидиради ва шу муаммо бўйича янги вариантлардаги масалаларни лойиҳалайди.

Таълим жараёнида муаммоли методни қўллашда ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

Ўқитувчи фаолиятининг тузилмаси	Ўқувчи фаолиятининг тузилмаси
Ўқув материалга оид тафовутларни таклиф этилиши; муаммоли вазиятларни тузиш; муаммонинг мавжудлигини аниқлаб бериш; -муаммоли топшириқларни лойиҳалаш	Ўқув материали моҳиятининг англаб этилиши; муаммоли вазият юзасидан фикрлаш; мавжуд билимлар ва тажрибани қайта тиклаш; муаммоли масалага ўтказиш; топшириқни бажариш

Эвристик ўқитиш методи. Эвристик ўқитиш методини қўллашда ўқитувчи ўқувчилар билан ҳамкорликда ҳал этилиши зарур бўлган масалани аниқлаб олади. Ўқувчилар эса мустақил равишда таклиф этилган масалани тадқиқ этиш жараёнида зарурий билимларни ўзлаштириб оладилар ва унинг ечими бўйича бошқа вазиятлар билан таққослайди. Ўрнатилган масалани ечиш давомида ўқувчилар илмий билиш методларини ўзлаштириб тадқиқотчилик фаолиятини олиб бориш кўникмаси тажрибасини эгаллайдилар.

Таълим жараёнида тадқиқотчилик ўқитиш методини қўллашда ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

Ўқитувчи фаолиятининг тузилмаси	Ўқувчи фаолиятининг тузилмаси
ўқувчиларга ўқув муаммосини таклиф этиш; ўқувчилар билан ҳамкорликда тадқиқот масаласини ўрнатиш; ўқувчиларнинг илмий фаолиятини ташкил этиш	ўқув муаммолари моҳиятини англаб олиш; тадқиқот муаммосини ўқитувчи ва ўқувчилар билан биргаликда ўрнатишда фаоллик кўрсатиш; уларни ечиш усулларини топиш; тадқиқий масалаларни ечиш усулларини ўзлаштириш

Эвристик методи ўқитувчилардан ижодий хусусият касб этувчи юқори даражадаги билиш фаолиятини ташкил эта олиш кўникма ва малакаларига эга бўлишни тақозо этади. Бунинг натижасида ўқувчилар мустақил равишда янги билимларни ўзлаштира оладилар. Улар одатда юқори синф ўқувчиларининг ўзлаштириш даражаларини ҳисобга олган ҳолда маълум ҳолатларда қўлланилади. Ушбу методлардан бошланғич синфларда фойдаланиш амалиётчи-ўқитувчиларнинг фикрларига кўра бир мунча мураккаб ҳисобланади. Бироқ узлуксиз таълим тизимига шахсга йўналтирилган таълимни фаол жорий этишга йўналтирилган ижтимоий ҳаракат амалга оширилаётган мавжуд шароитда ушбу йўналишдаги лойиҳаларни тайёрлаш ўзига хос долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Шунга қарамасдан бу тасниф мактаб амалиётида бирмунча кенг тарқалган ва педагогик ҳамжамият томонидан эътироф этилган. Шунингдек буюк дидакт И.Я.Лернер асарлари асосида илмий тадқиқот ҳам амалга оширилган.

### 1.5. Хорижий таълимда тьютор, эдвайзер, фасилитатор ва модераторлик фаолияти.

Хорижий таълимда сўнгги йилларда бир қатор атамалар кенг ишлатилмоқда. Буларга тьютор, эдвайзер, фасилитатор ва модератор тушунчалари киради.

**ТЪЮТОР** - (*Tutorem-лотинча*) устоз, мураббий вазифасини бажаради. Баъзи ҳолларда маъруза ўқитувчиси билан талаба орасидаги боғловчи ролини ҳам бажаради. Бунда маърузачи томонидан берилган билимларни кенг эгаллашда маслаҳатчи ва устоз ролини бажаради.

**ЭДВАЙЗЕР** (*advisor*)-французча “avisen” “ўйламоқ”) талабаларнинг индивидуал ҳолда битирув малакавий иши, курс лойиҳаларини бажаришда маслаҳатчи ролини бажаради.



**ФАСИЛИТАТОР** - (инглиз тилида *facilitator*, латинча*facilis*—енгил, кулай)- гуруҳлардаги фаолият натижасини самарали баҳолаш, муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтириш, гуруҳдаги коммуникацияни ривожлантириш каби вазифаларни бажаради.

**МОДЕРАТОР** -Қабул қилинган қоидаларга амал қилиш текширади, талабаларнинг мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятларни ривожлантириш, билиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради. Маълумотни, семинарни, тренинглари ва давра суҳбатларини бошқаради, фикрларни умумлаштиради.

Бизнинг таълимда ушбу фаолиятларнинг ҳаммасини ўқитувчи бажаради ва педагог ёки ўқитувчи деб юритилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Мамлақатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда хориж давлатларининг таълим тизимини аҳамияти нимада?
2. Модулли таълим тизимининг функциялари?
3. Модулли–кредит тизимининг хозирги кунда моҳияти нимада деб ўйлайсиз?
4. Замонавий таълим шакллари: blended learning (аралаш ўқитиш), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методлар хақида тушунча беринг?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Methods of Teaching. Course Gulde. Associate Degree in Education B.Ed.(Hons) Elementary. 2012. 44-65 p.
2. Technologies for education. Wadi D. Haddad, A.Draxler. 94-118 p.
3. Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш. Т.: “Иқтисодиёт”, 2011. – 208 б.
5. Ишмухаммедов Р. Таълимда инновация. – Тошкент: «Фан», 2010 йил.

### **2-мавзу: Умумқасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда ўқув-меъёрий ҳужжатлар ва методик ишлар, уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш методикаси.**

#### **Режа:**

- 2.1. Мамлақатимизда демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда Давлат таълим стандартларининг аҳамияти
- 2.2. Мутахассислик фанларини ўқитишда касблар таснифлагичи: моҳияти ва функциялари
- 2.3. Мутахассислик фанларини ўқитишда ўқув режа ва дастурлар аҳамияти ва уларнинг вазифалари.
- 2.4. Мутахассислик фанларини ўқитишда календар-тақвимий режанинг аҳамияти ва уларни ишлаб чиқиш йўллари.
- 2.5. Мутахассислик фанларини ўқитишда ўқув фани бўйича талабага мўлжалланган ЎУМ тузилиши ва мазмуни

**Таянч иборалар:** *Давлат таълим стандарти, ўқув режа, ўқув дастури, календар-тақвимий режа, ўқув услубий мажмуа, таълим, фан, модул, мутахассислик, восита, шакл, билим, кўникма, малака, дарслик, қўлланма, касб-хунар, кичик мутахассис*

#### **2.1.Мамлақатимизда демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда Давлат таълим стандартларининг аҳамияти.**

Таълимнинг мазмунини белгиловчи давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, таълим -тарбия самарадорлигини ошириш мақсадида умумий ўрта

таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг такомиллашган вариантлари ишлаб чиқилиб, 2004-2011 йилларда босқичма-босқич тажриба-синовдан ўтказилди.

Давлат стандартлари – мутахассис тайёрланаётган йўналиш мазмунининг баёни ва талабани ўқитиш ҳамда тарбиялашга қўйилган талаблар, стандарт кўринишидаги назорат, услуб ва шакллари.

Ўқув режалари – таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган давлат ҳужжати.

Ўқув дастурлар – ўқув фани мазмуни, уларни талабалар томонидан ўзлаштиришнинг мақсадга мувофиқ келувчи хусусан ташкил этиш йўллари аниқланган ҳужжат.

Дарсликлар – ўқув фани мазмуни ўқув дарстурига мувофиқ баён қилинади.

Ўқув қўлланмалар – ўқув дастури асосида услубий ва амалий тавсиялар берилади.

Касбий таълим бериш мазмуни

Педагогик жараённинг мазмуни белгиланган мақсадларга мувофиқ ва қуйидаги: “Нимага ўқитиш ва шахснинг қандай сифат ва хислатларни шакллантириш” саволларга жавоб беради.

*Мазмун* – инсон ривожланиши мақсадлари билан мувофиқликда танланадиган ва унга етказиб бериладиган, авлодлар ижтимоий маҳорат қисми.

Педагогик жараён мазмунида икки ўзаро боғлиқликдаги таркибий ташкил этувчиларни–*ўқитиш мазмуни* ва *тарбиялаш мазмуни* ажратиш мумкин.

Уларнинг ҳар бири ўзининг хусусиятига эга, яъни ўқиш мазмуни “Нимага ўқитиш керак?”, тарбиялаш мазмуни – “шахсда қандай сифат, хислат, муносабатларни шакллантириш керак?” саволларига жавоб беради.

*Ўқитиш мазмуни* (ўқитиш, маълумот олиш)- таълим жараёнида эгаллаши зарур бўлган, илмий билим, амалий кўникма ва малакалар тизими.

Ўқув ахборотининг манбаси адабиётлар ва ўқув қўлланмалар, луғатлар, маълумотномалар ва маълумотли манбалар ҳисобланади. Умумлаштирилганда улар фан бўйича ўқитиш мазмунини ташкил этади.

Ўқув ахборотини танлаш қуйидаги омилларга асосланади:

Белгиланган мақсадларбилан – қандай мақсад билан ўрганиш?

Мавжуд бошланғич вазият ҳолати билан- берилган мазмунни амалга ошириш учун мақбул шароитлар мавжудми?

Мазмунни тузилмавийлик хусусияти билан – фан ёки модулли, ёки масофавий таълим учунми?

Таълим стандарти билан- нимани ўрганиши керак?

Танлаб олинган педагогик шакл ва воситалар билан- ахборотни қандай воситалар ва йўллар билан тақдим этиш керак?

Ахборотни баён этиш тартиби билан – қандай тартибда ўрганиш керак?

Ўзлаштириш даражаси билан – қандай даражада ўзлаштириш керак?

*Ўқитиш мазмуни таълим бериш ва ўз ўзини ўқитишида жараёнида амалга оширилади, яъни ақлий фаолиятда.*

*Ўқитиш мазмунига қуйидаги таркиблар киради:*

Табиат, жамият, техника, фикрлар ва фаолият йўллари тўғрисидаги илмий билимлар;

Ақлий билимлар ва амалий кўникма ва малакалардан иборат бўлган, фаолият йўлларини амалга оширувчи тажриба;

Ижодий, изланувчилик фаолияти тажрибаси.

*Ўқитиш мазмуни қуйидаги меъёрий ҳужжатлар билан аниқланади: Давлат таълим стандарти, ўқув муассасининг ўқув режаси, ўқув дастурлари, адабиёт ва ўқув қўлланмалар.*

Давлат таълим стандарти.

Касб-хунар таълими давлат стандарти яқин келажакда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида фаолият кўрсатиши ва ривожланишини мажмуавий белгилаб берувчи ечим сифатида хизмат килади. Педагогик манбаларда касб-хунар таълими давлат стандарти қуйидагича талкин этилади: бўлажак кичик мутахассислар эгаллаши зарур ва етарли бўлган мазмун даражаси ва кўлами; ўқувчиларнинг максимал ўқув юкмаси хажми, битирувчиларнинг касбий тайёргарлик даражасига қўйилган талаблар ва ҳоказо.

Касб-хунар таълими давлат стандартининг моҳияти унинг ички ва ташқи алокалари таҳлил этилсагина тўлиқ очилиши мумкин, стандартларнинг ташқи алокалари энг аввало ижтимоий-иқтисодий муносабатларда ўз ифодасини топади. бундан стандарт ижтимоий буюртмани талаблар шаклида ўзида ифодаловчи меърий хужжат эканлиги келиб чиқади. Касб-хунар таълими стандартининг ички алокадорлиги эса уни ўзаро алокадор ва таъсирдаги элементлардан ташкил топгап мустакил тизим сифатида карачганда намоён бўлади. Стандартни ташкил этувчи элементлариинг хусусиятлари, ўзаро алокадорлиги унинг моҳиятини очиб беришга имкон беради. Ижтимоий-иқтисодий тизимда стандартнинг ролини тушуниш учун унинг функцияларини билиш муҳимдир. Лўнда қилиб айтганда, стандарт нима учун ва кимга керак? Биринчидан, ўқитувчилар ва ўқувчилар учун ўзларининг ҳамкорликдаги фаолиятларини ташкил этиш учун, иккинчидан, касб-хунар таълими тизими раҳбарлари учун назорат қилиш механизмини шакллантириш учун; учинчидан, бандлик идоралари ходимлари учун. ишга жойлаштириш ва қайта тайсрлаш ишларини ривожлантириш максадида; тўртинчидан, ижтимоий ҳамкорлар учун, яъни иш берувчилар, касаба уюшмалари ва барча меҳнат муносабатлари билан шугулланувчилар учун; бешинчидан, яқин ва узоқ чет эл ҳамкорларимиз учун, халқаро меҳнат бозорида инсон ҳуқуқларини эркин ўзаро таъсирини таъминлаш учун зарур. Шундай қилиб. касб-хунар таълими давлат стандарти ўзига хос касбий таълим сифатини бошқариш меҳаиизми бўлиб хизмат қилади. Буинг учун у касбий таълим сифати билан боғлиқ кўплаб компонентларни камраб олиши керак. Кенг маънода касб-хунар таълимининг сифати жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларига канчалик мос келиши билан аниқланади. Фан-техника таракқиёти билан боғлиқ ҳолда касб-хунар таълими ўқув-меъёрий хужжатлари тез ўзгарувчанлик хусусиятига эга. Малака даражаси аниқ шахснинг касбий маҳоратини характерлайди. Малака даражаси шахснинг ўқиб ўрганганлигига боғлиқ: демак. уни объектив равишда баҳолаш мумкин бўлган ўлчамлар: ҳажми, сифат даража кўрсаткичларига эга билим, иш-харакат усуллари ва шахсий фазилатлар бўлиши мумкин. Касб канчалик мураккаб бўлса, унга мос ҳолда касб-хунар сирларини ўзлаштириш учун шунча кўп вақт талаб этади. Меҳнатнинг интеллектуал даражаси аклий ва мануал (жисмоний) фаолиятнинг ўзаро муносабатини кўрсатади. Илмийлик даражаси эса меҳнат фаолиятининг техник-технологик жихатлари билан бевосита боғлиқлигини кўрсатади. Кўп функциялилиқ меҳнатнинг мураккаблиги, турли хилдаги вазифаларни бажариши билан характерланади. Меҳнат фаолияти алгоритмининг мураккаблиги факатгина турлича эмас, балки бир пайтнинг ўзида параллел равишда аклий ва мануал иш-харакат усулларини бажарилиши билан характерланади. Стереотип каеб-хунар даражасида маҳсулли ва маҳсулсиз фаолиятларнинг ўзаро нисбатида намоён бўлади.

Бошқача қилиб айтганда. Давлат таълим (тармок) стандарти (ДТС) мутахассисликларнинг ёзма модели бўлиб, касбий тайёргарлик даражасига қўйилган талабларни ҳамда шахсий фазилатларни ўзига қамраб олади.

ДТС ва ТТС кўп вазифали хужжат бўлиб, иш берувчилар, бандлик хизмати, вазирлик ва ташкилотлар, илмий методик ташкилотлар, ўқув муассасалари, фуқаролар учун мўлжалланади. ДТС асосида қуйидагилар амалга оширилади:

таълим мазмуни танлаб олинади ва шакллантирилади;

ўқув дастурлаштириш ва методик хужжатлар, таълим воситалари ишлаб чиқилади;

таълим натижаларига қўйилган талаблар шакллантирилади;

касбий тайёргарлик сифатини назорат қилиш тизими ишлаб чиқилади;

таълим муассасаси аттестация қилинади.

Давлат таълим (тармок) стандарти (ДТС) мутахассисликларнинг ёзма модели бўлиб, касбий тайёргарлик даражасига қўйилган талабларни ҳамда шахсий фазилатларни ўзига қамраб олади.

*ДТС асосида қуйидагилар амалга оширилади:*

таълим мазмуни танлаб олинади ва шакллантирилади;

ўқув дастурлаштириш ва методик хужжатлар, таълим воситалари ишлаб чиқилади;

таълим натижаларига кўйилган талаблар шакллантирилади;  
касбий тайёргарлик сифатини назорат килиш тизими ишлаб чиқилади;  
таълим муассасаси аттестация қилинади;  
касбий маслаҳат, касбга йўналтириш, касбий танлаш ишлари ташкил этилади;  
мутахассисларнинг малакасини ошириш шакллари аниқланади;  
ДТСнинг ўзи эса таснифлагич асосида ишлаб чиқилади.

*ДТСни ишлаб чиқишни ташкил этиши.*

ДТСнинг амалий муҳимлигини ҳисобга олиб, уни қуйидаги тартибда ишлаб чиқиш тавсия этилади:

муаллифлик жамоаларини тузиш;

алоҳида бўлимларни ишлаб чиқиш. уларни дастлабки баҳолаш ва ўзгартиришлар қиритиш;

ДТС лойиҳасини тузиш уни эксперт баҳолаш;

яқуний ишлов бериш, таҳрирлаш, расмийлаштириш ва тасдиқлаш;

яқуний ишлов бериш, таҳрирлаш, расмийлаштириш ва тасдиқлаш.

*ДТСнинг мазмуни қуйидагилар асосида аниқланади:*

Давлат ва соҳа меъёрий, техник ва технологик ҳужжатлар;

меҳнат бозори талаблари;

мутахассис меҳнат фаолияти мазмуни;

илмий техник тараккиёт ва бозор муносабатларининг ривожланиши таъсирида ушбу соҳадаги меҳнат анъаналарини ривожланиши;

мавжуд тарификация ва аттестация тузилмалари;

чет эл касбий таълим стандартларини ўрганиш, таҳлил этиш ва шу қабилар.



Маълумки, бўлажак кичик мутахассисларни тайёрлаш иши бевосита давлат ва жамиятнинг талаб ҳамда эҳтиёжларига асосланиб. ўрта махсус. касб-ҳунаар таълим тизимидаги тайёрлов йўналишлари касблар ва ихтисосликлар таснифлагичида ўз ифодасини топади. Амалдаги ўрта махсус, касб-ҳунаар таълимидаги тайёрлов йўналишлари касблар ва ихтисосликлар умумий давлат таснифлагичи (2006Й) Ўзбекистон Республикасида техникавий, иктисодий ва ижтимоий ахборотларни таснифлаш ва кодлаштириш бўйича яғоиа тузилма таркибига киради ва Вазирлар Маҳкамасининг "Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида"ги 1998 йил 5- январдаги 5- сонли қарори асосида ишлаб чиқилган. Ўрта махсус. касб-ҳунаар таълими муассасалари тайёрлов йўналишлари касблар таснифлагичининг таснифлаш объектлари ҳисобланиб, унда тайёрлов йўналишлари номи, коди ва шу тайёрлов йўналишлари туркумига кирувчи касблар номи ва коди ҳамда ихтисосликлар рўйхати келтирилган.

Таснифлагичида таълим ҳақидаги меъёрий ҳужжатларни индексациялаш мақсадида фойдаланиладиган таълимнинг халқаро стандарт таснифлаш кодлари ҳам келтирилган.

Ўрта махсус, касб-хунар таълимидаги тайёрлов йўналишлари касблар ва ихтисосликлар умумдавлат таснифлагичини жорий этиш олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси стандартлари билан бирга таснифлагичларни ишлаб чиқиш ва юритиш тартибига РСТ Уз. 6. 01.02 95 га мувофиқ равишда амалга оширилади.

Таснифлагич ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув юртлари битирув-чиларини иш билан таъминловчилар, ўрта махсус, касб-хунар таълимида Давлат таълим стандартлари ўқув режалари, дастурлари ва бошқа меъёрий хужжатларни ишлаб чиқарувчилар таълим муассасалари раҳбарлари, республика ва маҳаллий бошқарув ташкилотлар мутахассислари, вазирликлар, муассасалар ва бошқа республикамиз хўжалиklarини ривожлантиришда фаолият кўрсатаётган субъектлар учун мўлжаллангандир. Таснифлагич касб-хунар коллежлари ва бошқа ташкилот ҳамда муассасаларнинг қайси вазирликка, қарашлилигидан ва мулкчилик шаклидан қатъий назар айнан қўлланилиши шарт.

Таснифлагичда куйидаги тарифлар қўлланилган: тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликларнинг умумдавлат таснифлагичи (ТИКИУТ), Урта махсус, касб-хунар таълими ўқув муассасаларида кичик мутахассисларни тайёрлаш бўйича тайёрлов йўналишлари. Касблар ва мутахассисликларнинг тизимлаштирилган рўйхати.

Малака мутахассиснинг касбий тайёргарлик даражаси. ундаги маълум ишни бажариш учун зарур бўлган билим, иш-харакат усулларининг аниқ, тез фурсатда, талаб даражасида бажарилишидир.

Мутахассиснинг малакасини белгиловчи кўрсаткич бўлиб, у ҳақида тоифа ёки дипломнинг мавжудлиги ҳисобланади.

Кичик мутахассис - бу таълим дастурини муваффақиятли ўзлаштиришга, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларига бериладиган малака даражасидир:

Кичик мутахассис:

назарий ва амалий билимлар мажмуасига касбий билим, кўникма ва малакаларга; мазкур жамиятда ўзининг муваффақиятли ҳаёт даражасини таъминлайдиган умумий ва касбий маданият, ижтимоий аҳамиятли хусусиятлар ва шахсий фазилатларга эга бўлади.

Касбий фаолият соҳаси (КФС) касбий билим, кўникма ва малакаларнинг қўлланиш доирасидир, унинг номланиши иқтисодий соҳалар номлари билан мослаштирилган.

ЎМКХТ таълим муассасаларидаги тайёрлов йўналишлари аниқ касбий фаолият соҳасида мутахассисларга касбий таълим бериш доирасидир. Мутахассислар касбий фаолиятининг аниқ соҳаси бўйича тайёрлов йўналишлари номи меҳнат фаолиятининг мазмуни ва хусусияти орқали аниқланади.

*Касб* - махсус тайёргарлик ва иш тажрибаси натижасида маълум бир соҳада касбий фаолиятни амалга ошириш учун назарий билимлар мажмуаси, амалий кўникма ва малакаларни эгаллаган, жисмоний имконият, ақлий қобилият ва юридик ҳуқуқлари таъминловчи инсоний меҳнат фаолиятининг (машғулоти-нинг) туридир.

Ихтисослик - бирорта касб доирасида маълум бир фаолият тури учун махсус тайёргарлик ва иш тажрибалари билан эришилган зарурий билимлар, кўникма ва малакалар мажмуаси.

ЎМКХТ тайёрлов йўналишлари ва касблар коди касбий фаолият соҳаларига мувофиқ касблар ва ихтисосликлар бўйича тайёрлов йўналишлари ихтисослаштирилган рўйхатининг рақамли белгисидир.

Амалдаги таснифлагичда куйидаги саккиз соҳа назарда тутилган: 100000-Таълим  
200000 - Гуманитар фанлар ва санъат; 300000 - Ижтимоий фанлар; 400000 - Фан;  
500000 - Мухандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари; 600000 - Қишлоқ хўжалиги;

700000 - Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот; 800000 - Хизматлар.

Таснифлагичда таълим босқичлари ва таълим соҳалари тайёрлов йўналишлари ва касблар куйидагича етти рақамли код билан белгиланади. Таълимнинг халқаро классификациясига биноан таълим босқичи ўрта махсус, касб-хунар таълими 3 рақами билан белгиланади, масалан, 3144610, 3210210, 3380110 ва ҳ.к.

Мутахассислик коди Тайёрлов йўналиши коди Таълим соҳаси коди Билим соҳаси коди Таълим дастури босқичи коди

Биринчи рақам - таълим дастури босқичи коди;

Иккинчи рақам - билим соҳаси коди;

Учинчи рақам - таълим соҳаси коди;

Тўртинчи ва бешинчи рақамлар - тайёрлов йўналиши коди;

Олтинчи ва еттинчи рақамлар - мутахассислик коди.

Узлуксиз таълим тизимидаги ўрта махсус, касб-хунаар таълими тизими ва олий таълим (бакалаврият)да узвийликни таъминлаш мақсадида ўрта махсус, касб-хунаар таълимидаги тайёрлов йўналишлари кодлари олий таълимнинг бакалаврият таълим йўналишлари кодларига мослаштирилган.

Таснифлагичдан қуйидаги вазифаларни ҳал этишда фойдаланилади:

-худудий бандлик дастурларини ишлаб чиқиш;

миллий ва худудий меҳнат бозорларида ижтимоий меҳнат соҳасидаги жараёнларини таъминлаш ва тартибга солиш;

иш кучининг самарадорлигини ва иш кучига кетаётган сарфларни аниқлаш;

меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш ва меъёрлаштиришни такомиллаштириш;

халқ хўжалигининг кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш ва асосланган узлуксиз таълим дастурини ишлаб чиқиш;

меҳнат статистикаси соҳасида ахборотнинг халқаро микёсда такқосланишини таъминлаш.

Тайёрлов йўналишлари. касблар ва ихтисосликларнинг таснифлагич рўйхати бўлиб, у қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш учун очикдир. Амалдаги таснифлагичда зарур ҳолларда таснифлагичга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунаар таълими Маркази томонидан амалга оширилади деб кўрсатилган.

Кичик мутахассислар қуйидаги лавозимий вазифаларни бажаришлари кўзда тутилади:

компьютер ва бошқа техникалардан, техникавий ва физикавий фанлар соҳасида фойдаланиш усулларини қўллаш билан боғлиқ техник-технологик топшириқларни бажариш; техник жиҳоз ва транспортларни ишлатиш.

-Машиналар, механизмлар, қурилмалар, мосламалар ҳамда муҳандисликка оид техник жиҳозлар ва асбобларга техник хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлаш. металл конструкцияларни ўрнатиш, дастгоҳларни ўрнатиш ва бошқа ишларни амалга ошириш.

-Хом ашё казиб олиш ва қайта ишлаш, металлургия, қурилиш бинолари ва иншоотларни тамирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш соҳасида ўз касбий билимларини татбиқ этиш;

-Босиш (қолиплаш) ишларини бажариш;

-Озик-овқат, тўқимачилик маҳсулотлари, ёғоч ва металл буюмлар, шу жумладан бадиий хунаармандчилик буюмларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш.

-Болалар боғчаси ва бошлангич мактабларда таълим ва тарбия ишларини амалга ошириш.

-Соғлиқни сақлаш. гигиена, инсонларга гамхўрлик қилиш, қишлоқ жойларда ўсимлик ва хайвонларни парвариш қилиш. етиштириш бўйича зарур ишларни амалга ошириш.

-Кадрларни танлаб олиш, жой-жойига қўйиш ва уларнинг ижтимоий таъми-ноти, солиққа тортиш ва туризмга алоқадор давлат хизматлари, бухгалтерия.<sup>10</sup>

Ўқув режаси.Ўқув режаси таълим олувчи билими ва касбий тайёргарлик мазмунининг етарли ва зарур даражасини таъминлайдиган ўқув жараёни ва ўқув юкламалари ҳажми, муддатлари ва тайёрланувчи мутахассис сифати, назорати шакллариини белгилаб берувчи ҳуқуқий-меъерий ҳужжатдир.

<sup>10</sup> Methods of Teaching. Course Gulde. Associate Degree in Education B.Ed.(Hons) Elementary. 2012. 54-60

Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар учун мўлжалланган янги ўқув режалари куйидаги 7 та блокдан иборат қилиб тузилган (блоклар ва уларга ажратилган вақт микдори иш берувчиларнинг талаблари, фан-техника тараққиёти, илгор ишлаб чиқариш технологиялари, таълим муассасаларининг мустақиллик даражалари ва бошқа шу каби омилларга кўра ўзгариши мумкин).

Давлат таълим стандартлари асосида ўқув режалари ишлаб чиқилади. Ўқув режаси ҳар бир йўналиш учун алоҳида тузилиб, вазирлик томонидан тасдиқланади. Унда куйидагилар ўз ифодасини топади:

Тайёрлов йўналиши (ихтисослик) коди ва унинг номланиши;

Ўқув муддати;

Тугатгандан сўнг олинadиган академик даражаси;

Таълим шакли;

Ўқув даврининг таксимоти (жадвали);

Ўқув жараёнининг режаси;

Ўрганиладиган ўқув предметлари: ҳар бир ўқув предметини ўрганиш учун ажратилган умумий вақт микдори;

Ўрганиш учун ажратилган вақтни маъруза, амалий машғулот, лаборатория ишлари, семинарлар, курс лойиҳалари ва мустақил таълимга қандай нисбатда таксимланганлиги;

Ўқув предметини қайси босқичда, семестрларда ҳафтасига қанча соатдан ўрганиш тартиби;

Давлат аттестацияси.

Танлов фанларининг рўйхати;

Изоҳ қабилар. Шу ўринда ўқув режаларининг таянч, намунавий ва ишчи турлари бўлиши мумкинлигини ёдда тутиб, уларни бир-биридан фарқлай олиш зарур. Ўқув режалари ўз навбатида ўқув дастурларини ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилади.

Ўқув дастури шу ном билан номланган ўқув предметига тегишли бўлади. Ўқув предмети таълим муассасасида ўрганиш учун фан-техника, санъат ишлаб чиқариш фаолиятини муайян соҳасидан танлаб олинган билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатлар ҳақидаги маълумотлар тизимидир.

Дастур ўқув предметининг мазмуни. уни ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишининг энг мақбул усуллари, ахборот манбаларини ўзида мужассамлаштирувчи меъёрий ҳужжатдир. Ўқув дастурлари намунавий ва ишчи дастурларга бўлинади. Намунарий ўқув дастури шу ўқув предметига оид ишчи ўқув дастури, йиллик таквимий мавзулар режаси, дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар ва дидактик материаллар ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

Календар-таквимий режа Календар-таквимий режа ўқитувчига ўзининг истиқболдаги ишлари батафсил кўришга имкон беради.

Унинг вазифаси:

ўқув машғулотлари бўйича, ўқув дастурида белгиланган, ўқув материали мазмунини таксимлашдан иборат;

лаборатория ва амалий ишларни, экскурсияларни, ишбилармон ўйинларни ва ўқув анжуманларни олдиндан режлаштиришдан иборат;

Уй вазифалари ҳажмини, уларни тенг таксимлашни;

Ўқитишнинг зарур воситаларини (адабиётлар, кўргазмалар, қуроқлар, дидактик материаллар)ни тайёрлаш.

Календар - таквимий режани ишлаб чиқишда:

уй вазифалари ҳажми ва хусусиятига эътибор бериш муҳим.

Ўқитиш воситаларидан умумий ҳолда фойдаланишни режалаштиришга эътибор берилади.

Мутахассислик фанларини ўқитишда ўқув фани бўйича талабага мўлжалланган ЎУМ тузилиши ва мазмуни

Талабаларга ўқув фанини мустақил фаолиятда ўрганиш ва билимлар сифатини доимий ўзи текширишини ташкиллаштиришда ёрдам бериш учун мўлжалланган.

ЎУМ тузилиши ва мазмунли кўрсаткичлари

*СЎЗ БОШИ.*

ЎУМ бу қисмида, берилган ўқув фанини ўрганишга киришишида ўқитувчини талабага муружаати;

ЎУМ тузилиши унинг мазмунига қисқача тавсифи берилади.

*I БЎЛИМ. ЎҚУВ ФАНИГА КИРИШ*

Қуйидаги ўқув маълумотли материаллардан иборат:

- 1) ўқув фанини ўрганишнинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари;
- 2) мутахассислик бўйича талабалар томонидан фан мазмуни муҳим ўзлаштириш даражасига давлат таълим стандартларининг талаблари;
- 3) фаннинг ўқув дастури: ўқув вақтининг умумий ҳажми ва уни мавзулар ва иш турлари бўйича тақсимланиши кўрсатилади, ўқув фанининг мавзувий мазмуни изчилликда баён этилади;
- 4) фан бўйича назорат шакли ва рейтинг баҳолаш;
- 5) асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати;
- 6) фан бўйича билимларни якуний текшириш саволлари.

*II БЎЛИМ. ЎҚУВ ФАНИ БЎЙИЧА РЕЖА-ТОПШИРИҚ ВА ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ.*

Берилган ўқув машғулоти тўғрисида маълумотни, жумладан кўзланаётган ўқув натижалар, мустақил иш учун топшириқлар; уларни бажаришни таъминловчи ўқув материал ва услубий тавсиялар; ўқув ютуқларини ўзи текшириши учун тест, топшириқ ва саволлардан иборат. Талабани ўқув машғулотига мустақил тайёрланишида ва ўқув жараёни вақтида унинг мустақил фаолиятини ташкилий-дидактик таъминлаш вазифасини бажаради. Ўқув ютуқларини доимий ўзи назорат қилишини таъминлайди.

Ўқув фани бўйича талабага мўлжалланган ЎУМ ишлаб чиқиш воситалари

Талабанинг ЎУМ қуйидагилардан келиб чиқиб ишлаб чиқилиши керак:

- 1) ўқув маълумотининг мақсади, тузилиши, мазмуни ва ҳажми;
- 2) талабага ДТС томонидан белгиланган, берилган шароитда ва ўқув режасида белгиланган вақтда таълим мақсадларига эришишни кафолатловчи фан бўйича таълим технологияси.

*РЕЖА – ТОПШИРИҚ*

Режа – топшириқ ҳар бир ўқув машғулоти учун тузилади. Жадвал кўринишида бажарилиб, қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

Мавзунинг номи, ўқув машғулоти шакли ва тури.

Ўқув машғулотининг тузилиши/олиб бориш режаси.

Ўқув машғулоти мақсади.

Талабанинг ўқув фаолияти натижалари - таълим бериш натижасида талаба бажариши лозим бўлган ҳаракатлар. Улар аниқ ва феълларда (...айтади, ...санаб беради, .... таснифлайди ва ҳ.к.) ифодаланиб, олинган натижаларни бир хил маънода ва ҳаққоний баҳолаш, уларни белгиланган мақсадга мос келишини аниқлаш имконини беради.

Мустақил тайёргарлик учун топшириқ. Улар қисқа маслаҳат ва уларни бажариш бўйича тавсияномалардан иборат бўлган- айтиб беришлар билан берилиши мумкин.

Назорат шакли: кузатув-ўқув топшириқларини бажариш-савол-жавоб шакли-тест ва бошқ.

Ўқув фан бўйича талаба олиши мумкин бўлган, энг юқори балл. Ўқув фан бўйича талаба олиши мумкин бўлган, ҳақиқий балл.

### **Назорат саволлар:**

1. Мамлақатимизда демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда Давлат таълим стандартларининг аҳамияти нимада?



2. Мутахассислик фанларини ўқитишда касблар таснифлагичи қандай функцияларни бажаради?
3. Касблар таснифлагичининг мазмуни ва унинг вазифалари нималардан иборат?
4. Ихтисослик фанларини ўқитишда ўқув режа ва дастурлар аҳамияти ва уларнинг вазифалари нималардан иборат?
5. Мутахассислик фанларини ўқитишда календар-тақвимий режанинг аҳамияти нимада?

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Methods of Teaching. Course Guide. Associate Degree in Education B.Ed.(Hons) Elementary. 2012. 54-60.
2. Technologies for education. Wadi D. Haddad, A.Draxler. 164-176.
3. Абдуқудусов О., Тўраев А., Ахмадалиев А. Касб-хунар таълимининг ҳуқуқий, ўқув-меъёрий ҳужжатлари.– Т.:ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, 2011-72б.

#### IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

##### 1-амалий машғулот:

**Соҳа йўналишлари бўйича умумкасбий ва ихтисослик фанларидан лаборатория, амалий машғулот ва ўқув амалиётларни ташкил этиш методикаси.**

**Ишдан мақсад:** Ўз соҳа йўналишлари бўйича умумкасбий ва ихтисослик фанларидан лаборатория, амалий машғулот ҳамда ўқув амалиётларини ташкил этиш ва ўтказиш методикасини ишлаб чиқиш. Лаборатория ва амалий машғулотларга қўйиладиган талаблар, лаборатория машғулотлари режаси, амалий машғулотлар режасини ишлаб чиқиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Умумкасбий ва ихтисослик фанларидан ўқув амалиёти, лаборатория машғулотларини ўтказишни ўрганиш. Интерфаол методларни таълим жараёнида қўллашни билиш. Муаммо ва муаммоли вазият, педагогик муаммо, муаммони қўйиш сатҳлари, муаммоли вазият, муаммоли таълим технологиялари ва уларнинг асосий турлари, муаммоли таълим методларини ўрганиш.

##### Ишни бажариш учун намуна:

<i>Машғулот вақти-2 соат</i>	Тингловчилар сони: 2 0та	
<i>Машғулот шакли</i>	Сухбат семинар	
<i>Семинар режаси</i>	Графикли организаерлар техникаси: 1. Маълумотларни таркиблаштириш ва таркибий бўлиб чиқиш, ўрганилаётган тушунчалар (ҳодисалар, воқеалар, мавзулар ва шу кабилар) ўртасида алоқа ва алоқадорликни ўрнатишнинг йўли ва воситалари 2. Маълумотларни таҳлил қилиш, солиштириш ва таққослашнинг йўли ва воситалари. 3. Муаммони аниқлаш, таҳлил қилиш ва уни ҳал этишни режалаштиришнинг йўллари ва воситалари.	
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Мутахассислик фанини ўқитишда замонавий таълим воситалари бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш.		
<i>Педагогик вазифалар:</i> Маълумотларни таркиблаштириш ва таркибий бўлиб чиқиш, ўрганилаётган тушунчалар (ҳодисалар, воқеалар, мавзулар ва шу кабилар) ўртасида алоқа ва алоқадорликни ўрнатишнинг йўли ва воситаларини ишлаб чиқиш йўллари ўргатиш; Маълумотларни таҳлил қилиш, солиштириш ва таққослашнинг йўли ва воситалари ишлаб чиқиш йўллари ўргатиш;	<i>Ўқув натижалари:</i> Маълумотларни таркиблаштириш ва таркибий бўлиб чиқиш, ўрганилаётган тушунчалар (ҳодисалар, воқеалар, мавзулар ва шу кабилар) ўртасида алоқа ва алоқадорликни ўрнатишнинг йўли ва воситаларини ишлаб чиқадилар; Маълумотларни таҳлил қилиш, солиштириш ва таққослашнинг йўли ва воситалари ишлаб чиқиш йўллари ўргатиш;	
<i>Таълим бериш усуллари</i>	сухбат, амалий иш, тақдимот	
<i>Таълим бериш шакллари</i>	Оммавий, гуруҳларда ишлаш	
<i>Таълим бериш воситалари</i>	Тарқатма материал, проектор, флипчарт, маркерлар, ўқув топшириқлар	
<i>Таълим бериш шароити</i>	Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория	
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: савол-жавоб, тест.	

Семинар машғулотининг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчининг	талабларнинг

<p>I. Кириш босқичи (5 дақ.)</p>	<p>1.1. Мавзунинг номи, мақсади, кутилажак натижаларини эълон қилади. 1.2. Ўқув машғулотивининг шакли, ўтказилиш тартибини тушунтиради. 1.3. Мавзунинг режаси ва асосий тушунчаларини эшиттиради ва қисқача изоҳ беради.</p>	<p>Тинглайдилар. Мавзу номини ва режасини ёзиб оладилар.</p>
<p>II. Асосий босқич (65 дақ.)</p>	<p>2.1. Тезкор сўров техникасини куллаб талабаларни фаоллаштиради, аввалги билимларни эгаллаганлик даражасини аниқлайди. 2.2. Талабаларни 4 та кичик гуруҳларга бўлади. Машғулотивининг ўтказилиш тартибини яна эслатади. Ўқув машғулоти «ўзи ўрганиб, ўзгага ўргатиш», яъни ҳамкорликда ўрганиш принципи асосида ўтказилишини айтади. 2.3. Гуруҳларга эксперт варақларини таркатади ва фаолиятларини ташкил қилади (1-илова). Гуруҳларда ишни ташкил қилади, коидасини эслатади (3-илова) (вазифани бажаришга 15 дақиқа беради). 2.4. Гуруҳлар фаолиятини баҳолаш мезонларини эълон қилади (2-илова). Гуруҳлар ишини кузатади, маслахатлар беради, йўналтиради. 2.5. Тақдимот бошланишини эълон қилади. Хар бир гуруҳдан 2 тадан талаба чикиб, фаолият натижаларини тақдим қилишларини айтади. Тақдимот учун хар бир гуруҳга 3 дақиқадан вақт ажратади. Йўналтирувчи, маслахатчи сифатида иштирок этади. Жавобларни аниқлаштиради, тўлдиради, изоҳ беради ва тузатишлар киритади. 2.6. Хар бир гуруҳ тақдимоти охирида эксперт саволлари бўйича хулосалар қилади.</p>	<p>Саволларга жавоб берадилар. Гуруҳлар фаолиятни бошлайди. Эксперт варақларидаги саволларни ўзаро ўрганиб чиқадилар, фикр алмашадилар, жавобини топадилар. Жавобларни формат қоғозига схема тарзида туширади. 1-2 тадан гуруҳ аъзолари чикиб тайёр ишларини тақдимотини қиладилар. Бошқалар бир-бирларини тинглайдилар, саволлар берадилар ва баҳолайдилар.</p>
<p>III. Яқуний босқич (10 дақиқа)</p>	<p>3.1. Мавзу бўйича яқуний хулоса қилади. Мавзу бўйича олган билимларининг долзарблигини таъкидлайди ва эгаллаган малака ва куникмаларини каерларда қўллашлари мумкинлигини айтиб утади. 3.2. Гуруҳларга ўзаро қўйган баҳоларини эълон қилади. Ўқув машғулотивини натижаларини шархлайди. 3.3. Мустақил ишлашлари учун вазифа беради: чизмали органайзерлар ишлаб келиш.</p>	<p>Эшитади. Вазифани ёзиб оладилар.</p>

1-илова

**Эксперт варағи №1**

**Кластер схемаси ва тоифалаш жадвали**

1. Кластер нима ва унинг асосий вазифаси нималардан иборат?
2. Аниқ мисол асосида кластер тузиш коидасини тушунтиринг.
3. Тоифавий шарх нима ва аниқ мисол асосида тоифавий жадвални тулдиринг ва тушунтиринг.

**Эксперт вараги №2**  
**Венна диаграммаси ва Т-жадвали**

1. Венна диаграммаси нима ва асосий вазифаси нимадан иборат?
2. Венна диаграммасини тўлдириш йўлини аниқ мисол асосида тушунтиринг.
3. Т-жадвалини аниқ мисол асосида тушунтиринг ва тўлдиринг.

**Эксперт вараги №4**

**Муаммони ечимини топиш, режалаштириш ва таҳлил қилишни таъминловчи  
схема ва диаграммалар**

1. «Нима учун?», «Балиқ скелети», «Қандай?», «Нилуфар гули», «Каскад», «Пирамида», схема ва диаграммаларининг мазмун ва моҳиятини тушунтиринг?
2. Қуйида берилган схема ва диаграммаларни тузиш усулларини тушунтиринг.
3. Аниқ мисол асосида ушбу схема ва диаграммаларни тузинг.

*2-илова. Гуруҳ иш натижаларини баҳолаш мезонлари*

<i>К ў р с а т к и ч л а р</i>	<i>Макс.балл</i>	<i>Гуруҳ иши натижаларининг баҳоси</i>			
		<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>
Маълумотнинг тўлиқлиги	1,0				
Такдимот (маълумотнинг чизмали тарзда такдим этилиши)	0,6				
Гуруҳнинг фаоллик даражаси (қўшимчалар киритиш, савол-жавоблар бериш)	0,4				
<i>Балларнинг максимал ҳажми</i>	2				

3-илова

**Гуруҳларда ишлаш қондаси**

- ☞ Шеригингизни диққат билан тингланг.  
 Гуруҳ ишларида ўзаро фаол иштирок этинг, берилган топшириқларга жавобгарлик билан ёндашинг.  
 Агар ёрдам керак бўлса, албатта мурожаат қилинг.  
 Агар сиздан ёрдам сўрашса, албатта ёрдам беринг.  
 Гуруҳлар фаолиятининг натижаларини баҳолашда ҳамма иштирок этиши шарт.  
 Қуйидагиларни аниқ тушунишимиз лозим:  
 Бошқаларга ўргатиш орқали ўзимиз ўрганамиз!  
 Биз битта кемадамиз: ёки биргаликда сузиб чиқамиз, ёки биргаликда чўкиб кетамиз.

**ҲАМКОРЛИКДА ЎҚИШНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ:**

1. Топшириқни оддий биргаликда бажариш эмас, балки биргаликда ўрганиш.
2. Мусобақалаштириш эмас, балки ҳамкорликда ишлаш.
3. Биргаликда ишлаш, ўқиш ва ижод қилишга ўрганиш.
4. Ҳар доим бир-бирига ёрдам қилишга, муваффақият кувончи ёки муваффақиятсизлик аччиғини бирга тортишга доим тайёр бўлиш.

1. “Таълим воситалари” тушунчасини асосланг. Унинг таълим бериш технологиясидаги ўрнини тушунтиринг?
2. Таълим беришнинг техник воситалари, ёрдамчи таълим воситалар, ўқув-услубий материаллар нима учун зарур?
3. Таълим воситаларини танлаш нимага боғлиқ?
4. Графикли ташкиллаштирувчиларга: Инсерт жадвали, кластер, тоифалаш жадвали, Б/БХ/Б жадвали, SWOT - таҳлил жадвали, “Нима учун”, “Балиқ скелети”, “Поғона”, “Пирамида”, “Нилуфар гули” схемаси, “Қандай” диаграммаси хусусиятларини аниқ мисолларда тушунтиринг?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Methods of Teaching. Course Guide. Associate Degree in Education B.Ed.(Hons) Elementary. 2012. 54-60.
2. Technologies for education. Wadi D. Haddad, A.Draxler. 164-176.

### **2- амалий машғулот:**

#### **Умумқасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда соҳа йўналишлари бўйича лойиҳавий таълим технологиясини қўллаш.**

**Ишдан мақсад:** Лойиҳа таълим технологияларининг дидактик моҳиятини, лойиҳа – аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини кафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишга қаратилган ҳаракат маҳсулини, лойиҳа дастур, модел, технологик харита кўринишда намоён этишни, лойиҳанинг асосини илмий ёки ижодий характерга эга ғоя ташкил этиш, лойиҳалаш – бошланғич маълумотларга асосланиб, кутиладиган натижани тахмин қилиш, башоратлаш, режалаштириш орқали фаолият ёки жараён мазмунини ишлаб чиқишга қаратилган ҳаракатни амалга ошириш.

**Масаланинг қўйилиши:** Ўз соҳа йўналишлари бўйича умумқасбий ва ихтисослик фанларидан лойиҳавий таълимни технологиясини ишлаб чиқиш. Лойиҳалаш “ғоя – мақсад – кутиладиган натижа – тахмин қилиш – башоратлаш – режалаштириш” тизимига асосланиши шакллантириш. Ўқув жараёнларини лойиҳалаштиришда таълим мазмунини, таълим мақсади, кутилаётган натижани тўғри белгилаш. Таълим методлари, шакллари ва воситаларини тўғри танлаш. Билим, кўникма ва малакаларини баҳолашни аниқ мезонлари олдиндан ишлаб чиқиш. Машғулотга ажратилган вақт ичида уларни тўғри амалга ошириш.

#### **Ишни бажариш учун намуна:**

#### **ЛОЙИҲАГА ОИД ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Ўқув лойиҳаси:

«Маъруза, семинар, амалий машғулотларнинг ўқитиш технологиясини лойиҳалашда ўқитиш воситаларини танлаш ва улардан фойдаланиш»

Педагогик аннотация

Ўқув модули: “Умумқасбий ва ихтисослик фанларни ўқитишда илғор хорижий тажрибалар”

Ўқув мавзуси: Ўқитиш воситалари

Тингловчилар: 15 нафар

Таълимий мақсад: ўқув материали бўйича билимларни чуқурлаштириш, ўқитиш технологиясини лойиҳалашда ўқитиш воситаларини танлаш кўникмаларини шакллантириш

Режалаштирилаётган ўқув натижалари: ўқитиш технологиясида ўқитиш воситаларининг ўрни ва муҳимлигини белгилайдилар; ўқитиш воситалари гуруҳларини ажратадилар; асосий омилларни ҳисобга олган ҳолда ўқитиш воситаларини танлайдилар.

Лойиҳани муваффақиятли бажариш учун талабалар эга бўлишлари лозим бўлган таянч билим ва кўникмалар. *Биладилар:* ўқитиш усулларининг таснифини, вазифаларини,

хусусиятларини; ахборотлар билан ишлаш, мақсадни белгилаш ва ҳамкорликда ишлаш малакаларига эгалар.

Намунавий белгиларига муофиқ лойиҳа таснифи:

*лойиҳа тури:* ахборотли;

*мавзу-мазмунли соҳаси:* монопроект-бир фан миқёсида ишлаб чиқилган;

*тингловчиларнинг лойиҳа фаолияти йўналишларининг таснифи:* лойиҳа иштирокчиларини тақдид қилувчи, яширин;

*тингловчилар сони:* биттадан тўрттагача;

*муддати:* бажариш давомийлиги-2 ой.

Лойиҳа бўйича иш тартиби: дарсдан ташқари фаолият шароитда бажарилади,. Семинар машғулотларида тақдидот қилинади.

Лойиҳани баҳолаш: гуруҳли лойиҳада қуйидагилар баҳоланади:

(мавзулар бўйича) лойиҳанинг алоҳида қисмларини, тингловчиларнинг якка ўзлари бажарганликлари (макс. 15 балл);

Ҳисобот (макс. 7 балл);

Лойиҳа тақдидоти (макс.8 балл);

Тақдидот жараёни ва лойиҳа ҳимояси (макс.3 балл)

Лойиҳали ўқитиш босқичи:

*Тайёргарлик босқич:* лойиҳага кириш, тингловчилар фаолиятини ташкиллаштириш-аудитория иши.

*Лойиҳани бажариш босқичи- аудиториядан ташқари* иш.

*Яқуний босқич:* лойиҳа тақдидоти, лойиҳани ва тингловчилар фаолиятини баҳолаш, Лойиҳа фаолиятини ўзи таҳлил қилиш- аудитория иши.

Лойиҳага оид ўқитишни ташкиллаштиришни ўзи таҳлил қилиши- аудиториядан ташқари иш.

Ўқитиш моделининг қисқа таснифи: лойиҳали ўқитиш жараёнида қуйидагилардан фойдаланилади:

*Ўқитиш усуллари:* лойиҳалар усули, аклий ҳужум, йўриқнома бериш, матн билан ишлаш.

*Ўқитиш шакллари:* умумий, гуруҳли, жамоавий, якка тартибли.

*Ўқитиш усуллари:* лойиҳа топшириғи, услубий кўрсатма, компьютер технологиялари

*Иштирокчилар лойиҳа бўйича биринчи марта ишлаётганликлари ҳамда лойиҳа фаолияти бўйича малакаларга эга эмасликлари боис, «Тингловчилар учун услубий кўрсатмалар»да қуйидагилар тақдид этилади: муаммо, вазифа ва фаолият турлари.*

## I. ЎҚУВ ЛОЙИҲАСИ. «ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЛОЙИҲАЛАШДА ЎҚИТИШ ВОСИТАЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ»

### КИРИШ

Педагогик амалиётда таълим жараёнида ўқитиш воситаларидан кенг кўламда фойдаланаётганликларини кузатиш мумкин. Бироқ ўқув машғулотларининг ўқитиш технологияларини лойиҳалашда белгиланган мақсадни ҳамда кутилаётган натижага эришишни кафолатли таъминлайдиган, турли ўқитиш воситаларидан энг мақбулини онгли танлаш, баҳолашни уддалаш муҳим.

Лойиҳа доирасида ечимини топиш талаб этиладиган, муаммо: ОўЮларида маърузалар, амалий ўқув машғулотларининг ўқитиш технологияларини лойиҳалашда мақбул ўқитиш воситаларини онгли танлашни таъминлай бера оладиган, ахборотли маълумотномани тайёрлаш.

Вазифалар:

Маруза машғулотининг ўқитиш технологиясини лойиҳалашда мақбул ўқитиш воситаларини танлаш.

Семинар машғулотининг ўқитиш технологиясини лойиҳалашда мақбул ўқитиш воситаларини танлаш.

Амалий машғулотининг ўқитиш технологиясини лойиҳалашда мақбул ўқитиш воситаларини танлаш.

Лойиҳа топшириғи

Лойиҳа мақсади (нима учун яратилади): педагогик технологияни ишлаб чиқувчилари учун маълумотномали ахборотларни таъминлаш.

Лойиҳанинг якуний натижаси (маҳсулот): «ОЎЮда ўқув машғулотларининг ўқитиш технологияларини лойиҳалашда мақбул ўқитиш воситаларини танлаш»нинг маълумотномали таснифдаги тузилмавий ахборот.

Лойиҳа маҳсулотидан фойдаланувчилар: ўқитиш технологияларини ишлаб чиқувчи ўқитувчилар ҳамда педагогик фанларни, жумладан масофавий ўқитиш шароитида ўрганувчи тингловчилар.

Лойиҳа чегараси:

*бажариш вақти:* 2 ой (оралиқ назорат вақтида тақдимот қилинади);

*иштирокчилар сони:* биттадан тўрттагача.

Лойиҳа мазмуни:

I. «Маъруза машғулотларининг ўқитиш технологиясини лойиҳалашда ўқитиш воситаларини танлаш».

Ўқитиш воситалари таснифи: унинг вазифалари, турли ўқитиш воситаларини тавсифий хусусиятлари.

Ўқитиш технологиясини лойиҳалашда ўқитиш воситаларини танлашни аниқловчи, дидактик омилларни таърифлаш.

Ўқув жараёнида қўлланиладиган мақбул ўқитиш воситаларини тузилмага келтирилган рўйхати.

II. «Семинар машғулотларининг ўқитиш технологиясини лойиҳалашда ўқитиш воситаларини танлаш».

Ўқитиш воситалари таснифи: унинг вазифалари, турли ўқитиш воситаларини тавсифий хусусиятлари.

Ўқитиш технологиясини лойиҳалашда ўқитиш воситаларини танлашни аниқловчи, дидактик омилларни таърифлаш.

Ўқув жараёнида қўлланиладиган мақбул ўқитиш воситаларини тузилмага келтирилган рўйхати.

III. «Амалий машғулотларнинг ўқитиш технологиясини лойиҳалашда ўқитиш воситаларини танлаш».

Ўқитиш воситалари таснифи: унинг вазифалари, турли ўқитиш воситаларини тавсифий хусусиятлари.

Ўқитиш технологиясини лойиҳалашда ўқитиш воситаларини танлашни аниқловчи, дидактик омилларни таърифлаш.

Ўқув жараёнида қўлланиладиган мақбул ўқитиш воситаларини тузилмага келтирилган рўйхати.

Иш турлари:

Мавзу, муаммонинг долзарблигини асослаш, лойиҳа мақсади ва вазифаларини ифодалаш.

Ахборот манбасини танлаш, уни йиғиш, тузилмага келтириш, матн, жадвал, чизма ҳамда шарҳлаш кўринишида расмийлаштириш, хулосаларни ёзиш, (вазифалар бўйича) фойдаланилган манбалар рўйхатини тузиш.

Лойиҳани расмийлаштириш.

Ҳисоботни тайёрлаш.

Лойиҳани тақдимотга тайёрлаш.

Лойиҳани тақдим этиш шакли: «Ўқитиш технологиясини лойиҳалашда мақбул ўқитиш воситаларини танлаш» маълумотномаси.

Ҳисоботни расмийлаштириш тузилмаси:

Лойиҳа мавзуси.

Лойиха мақсади ва якуний натижа (маҳсул).  
Иштирокчилар, (жадвал кўринишидаги) иштирокчилар фаолиятининг турлари.  
Лойиха мавзусини долзарблигини асослаш.  
Ечими ҳал этилаётган муаммони ифодалаш ва асослаш.  
Вазифалар тартиби.  
Лойиха-вазифалар ечимининг натижалари.  
Фойдаланилган манбалар рўйхати.

### **Назорат саволлари:**

1. Лойихавий таълим технологияси деганда нимани тушунаси?
2. Лойихани амалга ошириш босқичлари нимага боғлиқ деб ўйлайсиз?
3. Лойихавий таълимнинг аҳамиятга касб этувчи томонларини қиёслаб беринг?
4. Лойихавий таълимни афзаллик ва камчиликлари нимада деб уйласиз?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Methods of Teaching. Course Gulde. Associate Degree in Education B.Ed.(Hons) Elementary. 2012.
2. Technologies for education. Wadi D. Haddad, A.Draxler.
3. Абдукудусов О., Тўраев А., Ахмадалиев А. Касб-хунар таълимининг ҳуқуқий, ўқув-меъёрий ҳужжатлари.– Т.:ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, 2011-726.

### **3-амалий машғулот:**

#### **Кейс-стади технологиясидан умумқасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда фойдаланиш.**

**Ишдан мақсад:** Кейс-стадини таълим жараёнига кенг татбиқ қилишнинг ижтимоий-педагогик шарт-шароитлари, кейс-стадини таълим жараёнига кенг татбиқ қилишнинг долзарблигини белгиловчи омиллар, кейс-стадининг умумий тавсифномаси, асосий категориялар ва тушунчалари, кейс-стадининг моҳиятли белгилари ва дидактик ўзига хос хусусиятларини ўрганиш. тизими.

**Масаланинг қўйилиши:** Таълимнинг кейс-технологиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Таълимнинг кейс-технологиясини лойиҳалаштириш ва режалаштириш. Умумқасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда кейс-стади ишлаб чиқиш, қўллаш.

#### **Ишни бажариш учун намуна:**

Ўқитувчи дарсга кириш вақтида хонада болалар тўпалони устидан чиқди. Ўқитувчи урушаётган болаларни коридорга олиб чиқиб, нима сабабдан урушаётганларини сўради. Болалар бир-бирларига қараб сабабини айтмадилар.

«Бу сирми?»- деб сўради ўқитувчи. Болалар бошларини қимирлатдилар. Шунда ўқитувчи болаларга «сизлар 5 дақиқа вақт ичида эркакчасига гаплашиб олинглар, фақат бир-бирингларни урмасдан, ҳақорат қилмасдан келишинглар. Синфга сиз олдингидан ҳам иноқроқ дўст бўлиб, шундай ҳаётий муаммоларни ҳам тинч-тотув ечиб кирганингизни бошқалар кўрсин.»

Топшириқ.

1. Ўқитувчи ҳақми. У қандай вазиятни бошқарди.
2. Сиз болаларда таълим – тарбия ишларини олиб боришда, «эркакча», «қизларга ҳос» деган фикрларни ишлатилишига қандай қарайсиз.
3. Сиз бу вазиятда қандай йўл тутар эдингиз.



### **Назорат саволлари:**

1. Кейс стади таълим технологиясининг келиб чиқиш тарихи?
2. Кейс стади таълим технологиясининг амалга ошириш боскичлари?
3. Кейс стади технологиясининг турлари?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Technologies for education. Wadi D. Haddad, A.Draxler.
2. Абдукудусов О., Рашидов Ҳ. Касб-хунар педагогикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: ЎМКҲТТКМО ва УҚТИ, 2011 -264 б.
3. Тожибоева Д. Махсус фанларни ўқитиш методикаси.– Т.: “Фан ва технология”, 2011 й.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### Кейс №1

Муаммо: Эркин «онасини боласи» деб аталадиган болалардан бири. Унинг онаси гарчи фақат ўғли билан шуғулланиши керак бўлсада, у ҳар қандай сабаб билан гоҳ директорга, гоҳ ўқитувчиларга, гоҳ синфдошларнинг ота-оналарига мурожат қилишни афзал кўрди. Натижада, Эркин 15 ёшга тўлган бўлишига қарамай, ҳар қандай арзимас сабаб билан онасига мурожат қилиш одобсизлик эканлигини тушунмади ва у умуман ҳақиқий ҳаётга мослашмади. У ўзини ўзи ҳимоя қила олмайдиган, оддий вазиятлардан ҳам чиқиб кета олмайдиган даражага етди.

Одатдагидек, зиддиятларнинг ҳамма сабаблари куйидагиларга тақаларди: «мени туртишди», «мени масхара қилишди», «мени чақиршмади» ва ш.к.

Меҳмонга бува ва бувиси келишди, улар чет элда яшардилар шунинг учун ҳам 8 йил мобайнида набирасини кўришмаган эди. Буvasи собиқ харбий эди, у ҳафта давомида Эркин ва келин хулқини кузатди.

Янаги ҳолатдан кейин бува набираси билан ёлғиз гаплашишга қарор қилди.

-Мен сен билан нафақат бу ҳолат ҳақида, балки бутун ҳаётинг тўғрисида гаплашмоқчиман. Сен энди 15 ёшдасан ва буни тушунишинг керак: қандай вазиятда онасини ёрдамга чақириш ва унинг маслаҳатини олиш лозим; қандай вазиятда онасини ўз шахсий ишларига аралаштирмаслик лозим. Мана қара, қандай худбинсан: ойингни кўзи ёшланишигача ташвишлангирдинг, умуман олганда бу ишни ўзинг ҳам ҳал қилишинг мумкин эди.

Яна бир гап. Ўзинг тушунасан, ҳамма пайт ҳам ойинг ёнингда бўлмайди ва сен ўзингни ҳимоя қила олишинг керак, ўтмиш ва келажакни таҳлил қила билишинг шарт. Мана бугун, агар сен ўзингни ҳақ деб билсанг, нега унда ўқитувчидан баҳони пасайтиргани сабабини сўрамадинг? Сен бўлсанг ойингни овора қилиб, ўқитувчидан шикоят қилдинг. Ахир сен кап-катта йигитсан, ҳар қандай илтимосингни, норозилигингни, саволингни ўзинг айтишинг керак.

ҳаётда жуда қийин масалаларни ҳал қилишинга тўғри келади: ўз ғуруринг, оиланг фахрини ҳимоя қилишинг, безориларга тўсқинлик қилишинг, севган қизинг номусини, Ватанингни ҳимоя қила билишинг лозим.

Бир ҳафта олдин ойинг билан суҳбатинг давомида синфдошларинг билан зиддиятли муносабатларинг ҳақида эшитиб қолдим. Сен айтдингки, ўртоғинг ноҳақ. Лекин сен бунга қандай эътибор қилдинг: тупурдинг, тирнадинг ва ойинга югурдинг... Ойинг сенда ўз ҳимоячисини кўриши керак. Сен бўлсанг ўзингни ёш боладек тутасан. Келишиб олайлик, агар нимадир бўлса, ойингни бошини котирмайсан, балки мен билан маслаҳатлашасан. Биз биргалашиб ўйлаймиз. Шу йўл маъқулми сенга?

Яна бир шарт, иродангни ўзинг тарбияла, яъни ҳамма нарсани ўзинг ҳал қил ва бажар. Феълингни тарбияла! Ахир сен уруш офицерининг набирасисан-ку! Агар қийналсанг, сенга ҳамиша ёрдам бераман! Келишдикми?

Қани овқатга, ойинг билан бувинг бизни кутиб қолишди.

Топшириқлар:

1. Она ва ўғил ўртасида келиб чиққан оилавий муносабатлар турига характеристика беринг.

2. Она ва буванинг тарбия кўриниши қандай.

3. Оилавий тарбия қийинчилигини нимада кўрасиз.

4. Бунда қандай педагогик категориядан узоқ бўлиш лозим.

### Кейс №2

Муаммо: Илёс 15 ёшда. У онаси билан яшарди, онаси қотилликда айбланиб қамалди. Бола бу фожеадан қаттиқ таъсирланди, одамови бўлиб, дўстлари билан гаплашмай кўйди. ҳали руҳан тикланмай, унда қийин масала – онасига муносабатини аниқлаш ва у ёғига қандай яшашни ҳал қилиш зарурати туғилди.

Онасининг узоқ қариндоши бўлмиш Тўлқин амаки, Илёсникига меҳмонга келиб, оила фожеасини эшитгач йигит билан суҳбатлашишга қарор қилди:

-Кўриб турибман Илёс, аҳволинг яхшимас. Отасиз яшашинг қийин бўлган, энди эса онасиз қолдинг. Тўғри ҳамманинг ҳам ота-онаси оламдан ўтади ёки ҳалок бўлади, лекин сенда аҳвол қийинроқ. Ота-онанг йўқ-ку, бироқ уларнинг қилмишлари сени ҳаётингда таъқиб қилади. Буни энгиш учун мард бўлиш керак. Ишонаман: сен жасурсан.

Сен ота-онанг қилмишлари учун жавоб бермайсан. Бунда айбинг ҳам йўқ. Улар билан ўзларидан бошқа ҳеч ким сабабчи бўлмаган бахтсизлик рўй берди. Сен ўзингни жуда муҳим фуқаролик вазифаларингни билишинг керак ва бу билим сенга куч, ишонч, матонат беради. Ойинг инсонлар ва сенинг олдингда айбдор. У ўз айби учун адолатли ва шафқатсиз жазоланди. Ойинг қайтганда сен мустақил инсон бўласан. Ўша вақтда ўз оиланг, фарзандларинг бўлади. Лекин билки, кучли ва мустақил бўлганингда, сен ва фақат сен ойингни оёққа туришига ёрдам беришинг мумкин ва мажбурсан, Илёс.

- Мен?!- йигит ҳайратланди.

- Сен бўлмай, ким унда? -давом этди Тўлқин амаки.- Ойингни ёлғизисан. Фақат сенда у ўзини кўради, сендан нажот истади. Энг муҳими, қалбинг тошга айланмасин. Унутмагин, ота-онанг сенга ҳаёт беришди ва сени ўстиришди. Ота-она танланмайди ва улардан ҳеч қачон юз ўгирилмайди.

- ҳозир эса сен ўзинг ва ойинг учун, бўлғуси севиқли аёлинг, яъни фарзандларингни онаси учун оёққа туришинг керак бўлади. Оёққа туриш – яхши яшаш демакдир.

Топшириқлар:

Боланинг кечинмаларини ифодаланг.

Урушдаги мардлик ва ҳаёт қийинчиликлари билан курашдаги мардлик бир хил нарсами.

Тўлқин амаки қандай тарбия кўринишини кўллаган.

Тўлқин амакининг бундай ёрдамни педагогик қиймати нимада. Нима деб ўйлайсиз, ўз вақтидами у.

Илёс Тўлқин амакининг гапларидан қандай таъсирланиши мумкин.

### Кейс №3

Муаммо: Ҳозирги пайтда инсоният ҳаётига катта хавф туғдираётган халқаро терроризм, диний экстремизм, наркоагрессия ва СПИД сингари офатларни кўпчилик яхши билади. Лекин бугунги кунда ҳамма ҳам билавермайдиган, ошқора кўзга ташланмайдиган, маънавий ҳаётимизни издан чиқаришга қаратилган жиддий хатарлар ҳам борки, уларнинг олдини олмасак, кейин кеч бўлади. Булар Ғарб оламида кенг тарқалган эгоцентризм ва эркинлик ниқобидаги ахлоқсизлик фалсафасидир.

“Менга нима” деб қараш, лоқайдлик, беписандлик, ўзини, ўз манфаатини ҳаммадан устун кўйиш, худбинлик, ҳамма нарсалар менинг ҳузур-ҳаловатимга хизмат қилиши керак, дейиш, шуҳратпарастлик, кибр, маҳмадоналик, тажанглик, бировни эшита билмаслик, хатосини тан олмаслик, совуққонлик, танқидга чидамсизлик -эгоцентризм дардига дучор бўлган одамнинг белгилари.

Масалан, икки нафар ўсмир маҳалламизда сигарет чекиб турибди. Илгари буни кўриб, “Ие. Нега чекади-я бу болалар”, деб, танбех берардик. Бугун эса тўхтаб, гапиришга иродамиз етмайди. Ичимиздаги худбинлик “Нима қиламан кайфиятимни бузиб. Кўй, индама, менга нима, болага ота-она тарбия берсин”, - деб, бепарволик билан ўтиб кетамиз. Орадан маълум бир вақт ўтгач маҳаллада сигарет чекиб турган болаларнинг сони кўпая бошлади. Виждонимиз қийналиб, болаларга танбех беришга яна ҳаракат қилдик. Ҳозирги ўсмирлар ҳам анойи эмас. Бетга чопарлиги бор. “Нима ишингиз бор. Амакимсиз, ҳоламисиз”, дейди. Биз эса, “менга нима”, – деб йўлимизни давом эттирамиз. Чунки ишларимиз жуда кўп, қаергадир шошиляпмиз. Бизнинг гапларимиз ўспирин болаларга ёқмайди. Маълум бир вақт ўтгач, ўспирин болалар секин-аста гиёҳванд модда истемол қила бошлашди. Маҳаллада бирин-кетин аянчли фожеалар рўй бера бошлади. Ўғирлик, муштлашишлар, зўравонлик, тартибсизлик... Қаердан келди бу иллат? Ким айбдор? Қўшни хонадонда истиқомат қилаётган бола гиёҳванд моддани меъёрдан кўпроқ истеъмол қилганлиги туфайли оламдан ўтди. Орадан яна бир неча кундан сўнг яна

фалокат. Кўшни аёлнинг фарзанди муштлашиб, оғир жароҳат олибди. Энди маҳалладошлар инсонийлик ва одамгарчилик ҳақида қайғуриб, қўшнилardan кўнгиш сўрашга киришишибди.

Боболаримиз: “Бир болага етти қўшни ҳам ота, ҳам она” деган, шунга амал қилган. Кўраясизми? Лекин нега биз боболар удумига амал қилмадик? Авлодлар ҳақида қайғурмадик. Бошимизга обдан бирин-кетин қулфатлар тушгандан кейингина одамийлик ва инсонпарварлик ҳақида ўйлай бошладик?

Одам қандай қилиб эгоцентрист бўлиб қолади? Ота-онанинг педагог дастидан. Қандай қилиб? Ота-она ўзлари тукқан боласини еру жаҳонга ишонмай бу дунёнинг марказига айлантириб оладилар. Болага буни (дунёнинг маркази бўлишни) ўргатишади. Бола нима қилсин? Ўрганади. Бундай ота-оналар тарбиясида: “Фақат менинг боламга яхши бўлиши керак. Болам бахтли бўлиши керак” деган тамойилга амал қиладилар ва ... қаттиқ адашадилар.

Боласининг истаган, ҳатто истамаган, сўрамаган нарсаларни ҳам уюб ташлашади. Меҳнатни, бировга ғамхўрликни, бошқалар ҳам худди ўзи каби одам эканлиги, уларнинг ҳам ҳурмати, манфаатлари борлигини эслатмайдилар.

Бола боғчасига боради. Ўзидек болалар билан биринчи учрашув. Бошқалардан ота-онасиникичалик ғамхўрликни кутади. Кўрмагач талаб қилади. Биринчи учрашув – жамоа билан биринчи тўқнашувга айланди. Йиғлайди.

Мактабда муомала, муроса, бурчни билмайди. Масъулиятсиз. Жон куйдирмайди. Ота-она буни қўллаб-қувватлайди. Бошқа мактабга кўчиради. “катта бўлса ҳаммаси жойига тушиб кетади”, - деб ўзларини алдайдилар. У катта бўлади. Унга қўшилиб талаблари, ишёқмаслик, масъулиятсизлик, бошқаларга иддаолари, иллатлари ҳам вояга етади. Кучга киради.

Ота-онанинг белидан кучи, чўнтагидан барака кетади. Энди бефойда, кераксиз одамларга айланиб қоладилар.

Худбин йигит энди жамоавийлик, кўпчилик бўлиб яшаш тартиб-қоидаларига, бурчларига тўқнашади. Биринчи тўқнашувдаёқ енгилади. “Мен яхши – ҳамма ёмон” деган қулай ёлғон қобилига уй қуриб, яшай бошлайди. Шундай қилиб, ота-онанинг, кишиларнинг лоқайдлиги жамиятдан, ҳаётдан асоссиз норози эгоцентристларни пайдо қилади. Маънавий қаровсизлик, бурчсизлик ўсмирни гиёҳвандларга, жиноятчиларга, ким мўмай пул ваъда қилса, ўшаларга топширади.

Шу тариқа, эгоцентрист-худбинлар жабрини биринчи – уларнинг ота-оналари тортади. Кейин бошқалар. Чунки тушунтириб, одамларга яхшилик қилиш керак десангиз, “бунинг томи кетибди”, - деб ўйлайди. “Ватанга нима бердинг?” десангиз, у: “Ватаним менга нима берди?”, - дейди ўқрайиб. Чунки у туғилгани, яшаётгани борлиги учун ҳамма унга нимадир бериши керак. У эса ҳеч кимга ҳеч нарса бермаслиги керак. У сизга “фойдаланса бўладиган ё бўлмайдиган нарса”, - деб қарайди. Бизларни бу кўйга тушишдан Худонинг ўзи асрасин.

Топшириқлар:

Сизнинг фикрингизча ушбу мақолада муаллиф қандай муаммони кўтариб чиққан.

Мақолада муаммони тасдиқловчи қандай далиллар мавжуд.

Вазиятдаги бепарволик, лоқайдлик туфайли вужудга келган салбий иллатларни ажратиб олинг ҳамда ушбу муаммонинг келиб чиқиш сабаби нимада деб ўйлайсиз.

Муаллиф ўз мақоласида муаммони олдини олдиш йўлларини қандай баён этган.

Сизнинг фикрингизча ушбу муаммони қандай ечиш мумкин.

#### Кейс №4

Карим бешинчи синфда икки йилга қолдирилди. Янги синф раҳбари Ш. Айрим ўқитувчилар ва боланинг ўқишига касал онаси эътибор бермай қўйганликларини аниқлади. Карим дарсларни мунтазам қолдирар, уй вазифаларини бажармас эди. Муаллима Каримнинг оиласига бориб, у ҳар куни эрталаб мактабга кетиши ва уйга кеч қайтишини билиб олди. Онаси эса касаллиги туфайли боласи нимақ иш билан шуғулланаётганини назорат эта олмас эди. Бир куни синф раҳбари Каримнинг уйига эртароқ бориб, уни мактабга бирга олиб кетмоқчи бўлди. Дарс бошланишига ҳали бир соатдан кўпроқ вақт бўлишига қарамай карим уйда йўқ эди. Каримлар оиласи яшайдиган туман қўрғони унча катта бўлмаганлиги учун ўсмирлар кўпроқ

борадиган бозорчага кириб ўтди. Не кўз билан кўрсинки, Карим дарвозадан кирган жойда шафтоли сотиб турган эди. Карим бир неча кундан бери бозорда мева сотаётгани маълум бўлди. Бу меваларни Карим шаҳар чеккасидаги жамоа хўжалигининг боғидан ўғирлаб олиб келаётган бўлса керак, деб ўйлади синф раҳбари. Шанба куни синф раҳбарининг бир соатгина дарси бор эди. Мактабга боришдан олдин у яна бозорга йўл олди. Карим бозорда ҳам, уйда ҳам йўқ эди. Синф раҳбари жамоа хўжалигининг боғига қараб юрди. Каримнинг кийимлари йиртилган, қўлоёқлари кир, ифлос, йиғлаган, ночор аҳволда учратди. Қоровул унинг қўлидан маҳкам ушлаб, исми-шарифи кимлигини, қайси мактабда ўқишини суриштираётган экан. Қоровулхонада кичикроқ халтада Карим дарахтдан узиб олган олмалар турарди. Муаллимасини кўрган бола:

Нега ҳадеб менинг орқамдан юрасиз, мендан нима истайсиз? – деб бақирди.

Бу сизнинг болангизми? – қоровул муаллимадан сўради.

Ҳа, менинг ўғлим, - деди синф раҳбари.

Ўғлингиз учун товон тўлашингиз зарур.

Қоровул бундай пайтда ота-онага айтиш лозим бўлган гапларни айтди. Бу оғир гапларни эшитганиданми, Каримга раҳми келибми ёки касал онасига раҳми келганиданми муаллиманинг кўзларига ёш келди.

-Майли, узилган мевалар учун товонни ўзим тўлайман. У бошқа бундай қилмайди, тўғрими болам? - деб Каримга қаради. Бола ишониб-ишонмай муаллиманинг кўзларидаги ёшга ҳайратланиб қаради. Муаллима сумкачасидан пул чиқариб узатди. Бу воқеа Каримга қаттиқ таъсир этди. Синф раҳбари боланинг қўлидан ушлаб, йўлда унга ҳеч нима демай, ўз уйига олиб борди, ювинтирди, мактабга бирга боришди. Мактабда охириги дарс бўлаётган эди. Дарсдан сўнг улар бирга боланинг уйига бордилар. Карим муаллимага “Бу воқеани онамга айтманг, мен бу ишни бошқа қилмайман”, - деди. Дарҳақиқат бу воқеа синф раҳбари билан ўқувчи орасидаги сир бўлиб қолди. Шундан буён кўп йиллар ўтди. Каримнинг онаси вафот этди. У мактабни битириб, қишлоқ хўжалик институтига ўқишга кирди. Синф раҳбарининг қилган муомаласи, яхшилиги бир умрга унинг ёдида қолди.

Топшириқлар:

Каримда ўқишга муносабатнинг сусайишига нима асосий сабаб бўлган.

Каримни бозорда нарса сотишга нима мажбур қилди.

Синф раҳбарининг Каримга қўллаган тарбия усули қандай натижа берди.

## VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

### Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.

“Умумқасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар” модулини ўрганувчи қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси тингловчилари олган назарий ҳамда амалий билимларини мустаҳкамлаш учун мустақил таълим вазифасини бажарадилар.

Ҳар бир тингловчи ўқитувчи томонидан берилган мавзулардан ихтиёрий биттасини танлаб олиб, тақдимот ёки реферат тарзида топширадилар. Баҳолаш мезони ишчи дастурда келтирилган.

### Мустақил таълим мавзулари:

1. Фанни ўқитишда инновацион технологиялар элементларини қўллаш.
2. Модулли таълим технологиялари.
3. Мавзуни ёритишда инновацион таълим технология элементларидан дуал таълим тизимини қўллаш.
4. Муаммоли вазиятлар яратиш ва улардан фойдаланиш методикаси.
5. Блум таксиономиясидан самарали фойдаланиш усуллари.
6. Таълим тизими ислохотларини амалга ошириш шарт-шароитлари.
7. Таълим тизими ислохотларининг моҳияти.
8. Ривожланган хориж давлатларининг таълим тизими.
9. Таълимнинг фанга йўналтирган таълим технологиялари.
10. Таълим воситалари – таълим технологиясининг таркибий қисми сифатида.
11. Тарбияни жараёнини технологиялаштириш.
12. Педагогнинг инновацион фаолияти.
13. Танқидий фикрлашни шакллантирувчи технологиялар.
14. Таълимнинг шахсга йўналтирилган технологиялари.
15. Интерфаол таълим методлар.
16. Муаммоли ўқитиш технологиясининг моҳияти ва мазмуни.
17. Ривожлантирувчи таълим технологиялари.
18. Ўқувчи фаолиятида фаолликни жадаллаштиришга қаратилган таълим технологиялари.
19. Таълим жараёнини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.
20. Ўқитувчининг фаолияти ва педагогик маҳорати.

## VII. ГЛОССАРИЙ

Атама	Ўзбекча маъноси	Инглизча
Модулли технологиялар	Энг замонавий технология бўлиб, модуль блокларидан ташкил топган ахборотни тизимли равишда қайта ишлаш ва таҳлил қилишга, талабанинг мустақил фаолиятига асосланган, Б.К.М. диагностикасида турли шаклларида фойдаланган ҳолда ташкил этилувчи яхлит жараён	The most modern technology , the module consists of blocks of information in a systematic manner in the processing and analysis , based on the work of the independent student B.K.M. the use of various forms of diagnostics of the whole process
Модул	мазмуний ва мантикий яқунга эга бўлган, дидактик жиҳатдан ишлаб чиқилган, натижага қаратилган, кириш ва чиқиш назоратларидан иборат бўлган бирликдир	aving a logical conclusion to the content and didactic developed , outputs , input and output control unit , which consists of
Модулли дастур	бир фан доирасидаги модуль блокларининг йиғиндиси бўлиб, эришиш лозим бўлган дидактик мақсад, қўлланиладиган усуллар ва воситалар йиғиндисиدير	A fan must achieve a collection of modular units within the didactic aims , methods and tools used in the summary
Ўқув модули	нисбатан мустақил, мантикий яқунга эга бўлган ўқув курсининг бўлагидир. У ўқув методик таъминотдан назарий ва амалий қисмлардан, топшириқ ва жорий ҳамда якуний назорат каби қисмлардан иборат	ogical conclusion to a relatively independent part of an academic course . Provide the training methodology and practical tasks , such as the current and final control elements of the
Тьютер	(лот. <i>tutorem</i> – маслаҳатчи) фаолияти талабаларга ўқув жараёнига мослашиш, вужудга келувчи айрим саволларга жавоб топишга ёрдамлашишга қаратилган	(Lot. Tutored consultant ) activities to adapt to the learning process of the students , aimed to help you find answers to any questions arising
Эдвайзер	(advisor - қадимги француз сўзи “avisen”, “ўйламоқ” сўздан олинган) индивидуал ҳолда диплом иши, курс ишини ишлаб чиқиш, илмий-тадқиқот олиб бориш, индивидуал дастурларни ишлаб чиқиш жараёнида маслаҳатчидир	( Advisor - an old French word " avis " , the word "think" ) are the work of individual diplomas , course development , scientific research , the individual in the process of software development consultant
Супервизор	қуйидаги тўрт фазифани бажаради: ўқитувчи сифатида ўргатади, фасилитаторлик, маслаҳатчи, эксперт вазифани бажаради	our fazifani : the teacher teaches , facilitators , consultants , expert role
Фасилитатор	(ингл. facilitator, лот. facilis - «енгил, қулай» деган маънони билдиради) — фасилитатор груҳларда фаолиятни ташкил этишда кўмаклашади	(Visually. Facilitator lot . Facilita - light , comfortable means ) will help organize activities -fasilitator old
Модератор	(лот. <i>moderor</i> — меъёрлаштираман, текшираман) қабул қилинган қоидаларга амал қилишни текширади, талабаларнинг қобилиятларни очилишига, билиш фаолиятини активлаштиришга ёрдам беради.	( Check lot.moderor normalized ) adopted rules to control the opening of students skills , knowledge , help activation

Супервизия	бу ўзаро муносабатлар тизими бўлиб, супервизор томонидан касбий фаолиятга оид бошқа мутахассисга маслаҳатлар беришни кўзда тутади	This system of mutual relations , and other activities supervised by professional provides specialist advice to the
Кредит (зачет бирлиги)	бу ўлчов бирлиги бўлиб, талабанинг аудиторияда ва мустақил ўқув фаолиятини, баҳолайди (ўқув юкламасини)	this unit , the students in the audience, and independent learning activities (the teaching load )
Рейтинг баҳолаш тизими	жорий, модулли ва семестр назоратида талабанинг бажарган ўқув фаолиятини ва эгаллаган билимлари ва шаклланган кўникма, малалкаларини баллар кўринишида баҳолаш тизими	in the modular control of the semester and the student has fulfilled the training and knowledge of the activities of the assessment system in the form of points and established talent malalkalarini
Рейтинг (рейтинг баҳоси)	бу талаба эришган даражасини сифатини баҳоловчи балл тизими	This points system for assessing the quality of the level of achievement of students



## **VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙЎАТИ**

### **Махсус адабиётлар.**

1. Methods of Teaching. Course Gulde. Associate Degree in Education B.Ed.(Hons) Elementary. 2012. 54-60.
2. Technologies for education. Wadi D. Haddad, A. Draxler. 164-176.
3. Хошимова М.К. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. (Маърузалар матни). Т.:ТДИУ.- 2012.- 50 бет
4. Очилов М. "Янги педагогик технологиялар", Қарши, 2010 йил..
5. Голиш Л.В. "Замонавий педагогик технологиялар"., М. 2010 йил
6. Ёўлдошев Ж, Хасанов С. Педагогик технологиялар.Т.: «Иқтисод-молия», 2009 йил
7. Ишмухаммедов Р. Таълимда инновация. – Тошкент:«Фан», 2010 йил.
- 8.Ишмухаммедов Р. Тарбияда инновацион технологиялар – Тошкент: «Фан», 2010.
- 9.Исянов Р.Г. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини малакасини ошириш технологиялари. Т.: Фан. 2011 й. 189 б.
- 10.Абдуқудусов О., Рашидов Ҳ. Касб-хунар педагогикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: ЎМКҲТТКМО ва УҚТИ, 2011 -264 б.
- 11.Абдуқудусов О., Тўраев А., Ахмадалиев А. Касб-хунар таълимнинг ҳуқуқий, ўқув-меъёрий ҳужжатлари.– Т.:ЎМКҲТТКМО ва УҚТИ, 2011-72б.

### **Интернет ресурслар.**

1. [www. tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)
2. [www. pedagog.uz](http://www. pedagog.uz)
3. [www. Ziyonet.uz](http://www. Ziyonet.uz)
4. [www. edu.uz](http://www. edu.uz)